Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 ИЛ ЧИҚИШИ
№ 182 (13.138).
7 АВГУСТ 1965 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ҒАЛЛА ФРОНТИДАН ХУШХАБАРЛАР

•

МУСОБАҚАДОШ ПАХТАКОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

•

САНОАТЧИЛАРНИНГ ИЛДАМ ҚАДАМЛАРИ

КАДРЛАРНИ ЛЕНИНЧА ТАНЛАЙЛИК ВА ТАРБИЯЛАЙЛИК

ПРАВДА

Ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш, коммунистин муносабатларни камолга етказиш, янги кишини тарбиялаш вазифаларининг муваффақиятли ҳал қилиниши партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлик, ташаббускорлик ва масъулият даражасига боғлиқ. Ҳозирги шароитда кадрларимизнинг роли ва масъулияти тағин ҳам юқори даражага кўтарилмоқда, улар олдига юксакроқ талаблар қўйилмоқда.

Кадрлар билан ишлаш бутун партиявий-ташкилий фаолиятнинг негизини, моҳиятини ташкил этади. Маълумки, ҳар қандай ишнинг муваффақияти одамларга боғлиқ. В. И. Ленин кадрларни танлашни ва ижрони текширишни «бутун ишнинг ўзаги» деб ҳисоблаб, уқтириб айтган эдики, «яхши ўйлаб иш қиладиган, ишнинг нозини биладиган, социализмга садоқатли бўлиш билан бирга, жуда кўп кишининг совет ташкилоти доирасида аҳил бўлиб, биргалашиб, пухта ишловини жимгина (тўс-тўполон ва шовқин-суронга парво қилмасдан) ўзлга қўя оладиган кишиларни, чиакам ташкилотчиларни мумкин қадар эҳтиётлик ва чидам билан синаб, билиб олишга ҳаракат қила беramиз. Фақат ана шундай кишиларнигина, ўн марта синаб кўрилганидан кейин, энг оддий вазифалардан энг қийин вазифаларга кўчира бориб... масъул вазифаларга кўтармоқ керак...».

Ленин партияси ғоявий чиниққан, юксак даражада ўқимишли, сергайрат, моҳир ташкилотчиларнинг ажойиб кадрларини тарбиялаб етиштирди. Партия ташкилотлари партия ва давлат ишининг турли тармоқларини сиёсий етук, тажрибали кадрлар билан мустаҳкамламоқ учун кўп иш қилдилар. Шундай бўлса ҳам ҳанузгача айрим жойларда тузук тайёргарлиги бўлмаган, ташаббуссиз кишилар, раҳбар деган юксак номга муносиб бўлмаган, бақириш ва ҳайқиришлар, буйруқлар бериш билангина ҳаракат қилаётган одамлар муҳим участкаларга ошчилик қилиб келмоқдалар. Натижада иш оқсамоқда, оммаанинг ташаббуси бўғилмоқда.

Бундай аҳволнинг сабабларини аввало, партиявий-ташкилий ишдаги камчиликлардан, бир қанча жойларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишига субъектив назар билан, қоғозбозлик, бюрократлик билан қаралаётганлигидан, кадрлар билан ишлашнинг ленинча принциплари бузилаётганлигидан қидирмоқ керак. КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми ва ундан кейинги Пленумлари ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунларини назар-эътиборга олмасликни, ишнинг партиявий усулига зид бўлган субъективизмни ва маъмуриятчиликни қатъиян қоралаб, раҳбарликнинг ленинча принципларига партиямизнинг мутлақо содиқлигини таъкидлаб берди.

Эндиликда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишини бутун чоралар билан яхшилаш учун қулай имкониятлар вужудга келтирилди. Партия ташкилотларининг энг биринчи вазифаси шуки, улар ишнинг энг муҳим участкаларига сиёсий жиҳатдан етук, ўқимишли бўлган, ўз ишини чуқур биладиган раҳбарлар, тажрибали ташкилотчилар ва оммани тарбиялайдиган кишилар бошчилик қиладиган бўлишига, ходимларни сиёсий ва ишчанлик фазилатларига қараб танлашнинг ленинча принципига ҳамма жойда оғишмай риоя қилинишига эришмоқлари керак.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни коммунистик ғоявийлик руҳида, топширилган иш учун партия ва халқ олдида юксак масъулиятни сезиш руҳида тарбиялаш — партия органлари раҳбарлик фаолиятининг энг асосий қисмидир. Бу иш билан фақат айрим ходимларгина эмас, шу билан бирга партия комитетининг ҳамма аъзолари, коммунистлар ҳам шуғулланишлари лозим. Одамларни анкеталардагі маълумотларга ва справкаларга қараб эмас, балки бевосита амалий иш устида актив равишда, доимий ўрганиб бориш уларнинг бурчидир. Партия сиёсатини амалга ошириш учун олиб борилаётган кундалик курашда, турмушнинг ўзидагина одамни ҳаммадан кўра яхшироқ билиб олиш ва унга тўғри баҳо бериш мумкин.

Кўпгина район, шаҳар, область партия комитетлари, иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари партиявий-ташкилий ишларни янги шароитда такомиллаштириб, кейинги вақтларда кадрлар билан ишлашга анча кўпроқ аҳамият берадиган бўлиб қолди. Масалан, Белоруссия Компартиясининг Марказий Комитети ва республиканинг бошқа партия органлари партия ходимларини ғоявий чиниқтириш ва уларнинг малакасини ошириш, уларга раҳбарлик ишининг санъатини ўргатиш, уларни топширилган иш учун масъулиятни юксак даражада ҳис этадиган қилиб тарбиялаш учун кўп иш қилмоқдалар. Ҳозир республикада шаҳар ва район партия комитетлари секретарларининг 96 процентдан кўпроғи олий маълумотли кишилар бўлиб қолди. Советларнинг ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик бошқармалари, колхозлар ва совхозлар кадрлар билан мустаҳкамланди. Фақат бошлағич партия ташкилотлари томонидан тавсия қилинган кишиларнигина раҳбарлик ишига кўтариб қўйиш тўғрисидаги талаб бу ерда тобора қатъийроқ амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, ходимни ўзи билан бир коллективда ишлаётган ўртоқларидан бошқа ким яхшироқ билади? Бундан ташқари, бундай тартиб ходимнинг коллектив олдидаги масъулиятини ҳам оширади.

Бироқ, шу нарсани эътироф қилмасдан ўтиб бўлмайдики, баъзи партия комитетларида кадрлар билан ишлашга ҳанузгача етарли аҳамият берилмаётир, бу иш расмиятчилик билан олиб борилмоқда, бу жуда муҳим иш билан озгина одам шуғулланмоқда.

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюроси Хабаровск ўлка партия комитетининг партия, совет, касаба союз ва комсомол кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишидаги жиддий камчиликларни очиб ташлади. Бу ерда ходимларнинг ишчанлик ва сиёсий фазилатлари ҳамиша ҳам чуқур ўрганилмаётир. Баъзан ҳатто ўртоқлар раҳбарлик лавозимларига тавсия қилинмоқда. Ходимларни тарбиялаш иши яхши олиб борилмаётир, уларга талабчанлик кам.

«Правда»га келаётган хатлар шуни кўрсатиб турибдики, Якутия АССРнинг бир қанча партия, совет ва хўжалик органларининг ишида камчиликлар оз эмас: республика экономикани ўстириш учун бўлган катта ресурслардан кам фойдаланилмоқда, партия ва давлат интизомини бузиш сингари кўпгина ҳоллар очиб ташланди. Шу фактлар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдаги жиддий камчиликлар билан алоқадор эканлигини кўрмаслик мумкин эмас. Аммо, КПСС Якутия область комитети партия ташкилотларида кадрлар билан ишлаш практикаси тўғрисидаги масалани кейинги ўн йил ичида бир марта ҳам муҳокама қилгани йўқ.

Партия ташкилотларининг, коммунистларнинг ва аввало партия комитетларининг бевосита бурчи шуки, улар кадрлар билан ишлашда ленинча принципларнинг бузилиши сингари ҳар қандай ҳолларни қатъиян йўқотишлари, одамларни субъектив мулоҳазаларга, таниш-билишлигига ёки шахсий ихлосмандлигига қараб раҳбарлик мансабларига кўтариб қўядиган кишиларни қаттиқ жазолашлари керак. Энг яхши ходимларни ошкора тартибда танлаш, коммунист ўртоқларнинг, партия ва бошқа жамоат ташкилотларининг фикрларини ҳисобга олиш бу ишда нуқсонларга ва хатоларга йўл қўймасликка, ходимларнинг масъулиятини оширишга, омма олдида ҳақиқатан обрў қозонган, шу муайян иш учун яроқли бўлган кишиларнигина раҳбарлик лавозимига кўтариб қўйишга ёрдам беради. Хотин-қиз кадрларни тарбиялаш ва кўтариш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак.

Ёш, сергайрат ташкилотчилар ва кекса, тажрибали ходимлардан бир-бирига тўғри қўшиб фойдаланишни таъминлашнинг аҳамияти жуда катта. Кадрларни доимо янгилаб туриш, ишда ўсиб-етишган янги ўртоқларни дадиллик билан юқори кўтариш — ҳар бир ташкилот турмушининг қонидасидир. Бироқ, шундай раҳбарлар борки, улар айни бир хил одамларнинг ўзи билан ишлашни афзалроқ кўрадилар, уларни нуқул бир жойдан иккинчи жойга кўчириб қўя бериш билан шуғуллана берадилар. Шу ходимларнинг базъилари эзди ишни уддалай олмай қолганликлари билан, жиддий хатоларга йўл қўйётганликлари билан, ўз обрўларини тўкиб қўйганликлари ва алмаштирилиши лозим бўлиб қолганлиги билан ҳисоблашмайдилар. Жумладан, яқинда, Озарбайжондан олинган ва «Правда»да босилган хабарда шундай фактлар бор эди.

Эски, чиниққан, тажрибали кадрларни менсимай қўйиш ҳам ярамайди, албатта. Аксинча, уларга чуқур ҳурмат ва илтифот билан қараш, уларнинг бой тажрибаси ва билимидан фойдаланиш керак. Ишни барбод қилаётган, лаёқатсиз одамларни бу билан ниқоблаш ярамайди.

Ходим тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганда унинг топширилган участкага бошчилик қила оладими, одамларни ташкил этишни биладими, уларга раҳнамо ва тарбиячи бўлишни, виждонли, принципиаллик ва одамларга сезгирлик намунасини ўзи уларга кўрсата оладими ёки йўқми эканлигига қараш керак. Бизнинг вазифамиз шуки, ходимларни ўрганишимиз, камчиликларга муросасиз бўлган, ўзининг ташаббускорлигини, юксак маънавий фазилатларини кўрсатаётган ишбилармон кишиларни пайқаб олишимиз ва кўтариб қўйишимиз керак.

Равшандирки, ҳеч ким раҳбар бўлиб туғилмайди. Қайнаб турган ҳаёт қозони, партия сиёсатини амалга ошириш учун, коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилиш учун кураш энг яхши мактаб эканлигини эсда тутиб, кадрларни меҳр-муҳаббат билан, сабр-матонат билан тарбиялашни партия бизга ўргатмоқда. Партия ташкилотларидан талаб қилинаётган нарса шуки, улар раҳбар активларнинг марксизм-ленинизмни ўқиб-ўрганишларини ҳар томонлама қувватлашлари, рағбатлантиришлари, ташкил этишлари, раҳбарликнинг ленинча принципларини эгаллаб олишларига ёрдамлашишлари керак.

Кадрларни тарбиялаш ишлари ошкора, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид авж олдирилган вазиятдагина, партия турмушининг ленинча нормаларига, коллектив партиявий раҳбарлик принципларига оғишмай риоя қилинаётган шароитдагина самарали, тўғри олиб борилади. Доимий амалий ёрдам бериб туриш, йўл-йўриқ кўрсатиб туриш билан бир қаторда ижрони текширишнинг ҳам аҳамияти катта. Одамларни текшириб туриш ва ишнинг ҳақиқатда ижро этилганлигини текшириб туриш — ташкилотчилик ишининг, кадрларни тўғри тарбиялашнинг ажралмас қисмидир. Аммо бир қанча ташкилотларда контроллик сусайиб кетди, ходимларга нисбатан партиявий талабчанлик пасайиб кетди. Жумладан, партия ва давлат интизомини кўпол равишда бузиш ҳоллари, маҳаллийчилик, қўшбўямачилик ҳоллари ҳали ҳам содир бўлаётганлигича сабаб мана шудир.

Партия ташкилотлари кадрлар билан ишлашни бутун чоралар билан яхшилаши, бу ишни илмий асосда, ленинча ташкил этиб, хўжалик ва маданий қурилишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида янги муваффақиятлар қўлга киритилишини таъминлайдилар.

(5 августдаги бошмақола).

Самарқанд области. «Пайариқ» совхози пахтакорлари сув танқислиги аниқ сезилаётган бу йилги шароитда ана шу қийинчиликларни мардонавор енгаётирлар. Насослар воситасида каналлардан, зовур ва коллекторлардан сув тортиб олиш, артезиан қудуқларидан фойдаланиш туфайли катта-катта майдонлардаги ғўзалар сувга қондирилаётир. Резервлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш яхши натижалар бераётир. Суратда сиз кўриб турган майдон артезиан қудуғи суви билан суғорилмоқда.

А. Кузьменко фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЗАФАР сатрлари

«Ташсельмаш» заводи коллективи пахта териш машиналарига эҳтиёт қисмлар етказиб бериш йиллик планини муддатидан илгари адо этишни мўлжалламоқда. Пресслаш цехи ишчилари 11 хил эҳтиёт қисмлар тайёрлаш мажбуриятини олишган. Ҳозиргача эҳтиёт қисмларнинг 4 хили бўйича йиллик, етти хили бўйича тўққиз ойлик ишлаб чиқариш планлари адо этиб қўйилди. Шунингдек, 3-механика-йиғув, 4-темирчилик-тайёрлов цехлари коллективлари ҳам ойлик топшириқларни ошириб бажаришаётир.

Г. ДЕМИДОВ.

* * *

Тошкент тепловоз-вагон-ремонти заводининг электр аппаратлари цехи коллективи апрель ойида нуқсонсиз маҳсулот ишлаб чиқариш мусобақасига қўшилган эди. Ишчилар деталларни дастлабки кўрсатишдаёқ контролерларга мажбур қилишяпти. Цехда ёш за тажрибаси кам ишчилар илғорларга бириктириб қўйилди. Бу тадбир жуда яхши натижалар бермоқда. Брак маҳсулот тайёрлаш кескин даражада камайди. Уларнинг тажрибасига корхонанинг бошқа цехларида ҳам амал қилинмоқда.

Ю. БАҲОДИРОВ.

* * *

Каттақўрғон гўшт комбинати коллективи етти йилликнинг охирги йили планини муддатидан бир неча ой илгари ошириб бажарди. Ҳозиргача 1966 йил ҳисобига бирнеча ўн минг сўмлик маҳсулот топширилди.

Шунингдек, шаҳардаги сут-мой заводи ишчилари ҳам ажойиб зафарларни қўлга киритишаётир. Улар 7 ойлик планни муддатидан илгари бажариш билан бирга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 156 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Р. САТТОРОВ.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ХИРОСИМА ШАҲРИ АҲОЛИСИГА МАКТУБИ

Хиросимада чиқадиган «Тюгоку симбун» газетаси КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежневга мурожаат қилиб, Японияда ги бу шаҳарга Америка авиацияси атом бомбаси ташлаган кунга 20 йил тўлиши муносабати билан тинчликни ҳимоя қилиш ва термоядро урушининг олдини олиш масалалари борасида ўз фикрингизни айтсангиз, деб илтимос қилди.

Л. И. Брежнев Хиросима шаҳрининг аҳолисига мактуб юборib, аввало, совет кишиларининг япон халқига дўстлик ҳисларини ҳамда Хиросима шаҳрига атом бомбаси ваҳшийларча ташлангани натижасида қурбон бўлган кишиларнинг ҳаммасига, атом қуролининг ҳалокатли таъсирига мубтало бўлган японларнинг ҳаммасига энг самимий хайрихоҳлик ҳислэрини изҳор қилди.

Мактубда айтиладики, империалистик агрессорларнинг ҳарбий планларига қарши курашга барча тинчликсевар кучларни жипслаштириш, тинчлиини мустаҳкамлаш ва термоядро урушининг олдини олиш учун курашда урушга қарши, империализмга қарши турган ҳамма кучлар ва ҳаракатларнинг бирлигини таъминлаш — тинчликни қадрловчи кишиларнинг ҳаммаси Хиросима фожиасидан чиқарган энг биринчи хулоса бўлди.

Ҳозирги вақтда тинчликсевар халқларнинг ҳаммаси Американинг Вьетнамдаги агрессиясини тўхтатишга эришишни, урушнинг мана шу энг хатарли ўчоғидаги оловни сўндиришни, агрессорларнинг қўшинларини Ҳинди Хитой районидан чиқартириб юборишга эришишни ўзларининг бурчлари, деб билмоқдалар. Совет халқига келганда, у вьетнамлик қардошларнинг Америка империалистларига қарши олиб бораётган адолатли курашига зарур ёрдам бериб келди ва бундан буён ҳам бераверади.

Япон халқи амин бўлиши мумкинки, деб ёзади пировардида Л. И. Брежнев, совет кишилари Хиросима фожиасининг такрорланишига йўл қўймаслик учун барча тинчликсевар халқлар билан бирликни мустаҳкамлаб курашишга маҳкам бел боғлаганлар. (ТАСС).

ҒАЛЛАКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Сурхондарё областининг ғаллакор колхоз ва совхозлари Ўзбекистонда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш (шолидан ташқари) йиллик планини бажардилар. Қабул пунктларига 11 минг 710 тонна буғдой ва арпа топширилди. Термиз, Жарқўрғон, Шеробод ва Денов районлари хўжаликлари йиллик топшириқларни ошириб адо этдилар.

Давлатга дон сотиш давом этмоқда. (ЎзТАГ).

ЯККАБОҒЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

ЯККАБОҒ. («Совет Узбекистони» мухбири). Районнинг ғаллакорлари давлатга дон сотиш йиллик планини бажардилар. Қабул пунктларига 1.500 тоннага яқин буғдой топширилди. Бу ғалабага районнинг Энгельс номли, Марксизм», «Қизил Узбекистон» колхозлари ва ихтисослаштирилган «Авангард» совхози механкашлари катта ҳисса қўшдилар.

ҚАРДОШ ПАХТАКОРЛАР МУСОБАҚАСИ

ТОЖИКИСТОН ДАЛАЛАРИДА

Июль — фақат мўл «оқ олтин» ҳосили учун курашдагина эмас, шу билан бирга мусобақадош пахтакор республикаларда социалистик мусобақа шартларини бажаришнинг боришини чуқур ўрганишда ҳам муҳим давр бўлди. Республикамизга Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон пахтакорларининг вакиллари келиб, далаларимизда, фермаларимизда қилинаётган ишлар билан танишдилар. Ўз навбатида Ўзбекистон пахтакорларининг вакиллари ҳам мусобақадош республикаларга бориб келдилар. Шунингдек ўзаро текшириш бригадаси яқинда қардош Тожикистон ССРдан қайтиб келди.

Икки қардош республика ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда ва ривожланмоқда. Қадимдан бир-бирига яқин бўлган, қиз олишиб, қиз беришиб, қуда-кудагай бўлиб кетган ўзбек ва тожик халқлари Совет Иттифоқидаги барча халқлар билан бир сафда Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм сари дадил одимлар билан бормоқда. Халқларимиз пахта етиштириш соҳасида ҳам бир-бирига устоз, бир-бирига шогирддир. Ўзбек пахтакорлари қардош тожик пахта усталарининг тажрибаларини қунт билан ўрганадилар, ўз навбатида тожик пахтакорлари эса Ўзбекистон қишлоқ хўжалик механкашларининг бой тажрибаларини ўз хўжаликларида, ўз ишларида кенг қўлланмоқдалар.

Ўзбек ва тожик халқлари бир мақсад йўлида: севимли она-Ватанимизга мумкин қадар кўпроқ «оқ олтин» ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилмоқдалар.

Биз Тожикистонда 160 колхоз ва 18 совхозда бўлдик. Шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдикки, КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланган Тожикистон қишлоқ хўжалик механкашлари етти йилликнинг якунловчи йилида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин ривожлантириш учун ҳар қачонгидан ҳам ғуюшқоқлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Тожикистон механкашлари ўз зиммаларига катта мажбурият олганлар. Улар 1965 йилда давлатга 545 минг тонна пахта етказиб бериш, камида 100 минг тонна пахтани машинада териб олишга аҳд қилганлар. Шунингдек республика етти йиллиқнинг сўнгги йилида давлатга 53 минг тонна гўшт, 90 минг тонна сут, 44 миллион дона тухум, 2.300 тонна пилла, 195.000 дона қоракўл тери ва жуда кўп миқдорда сабзавот маҳсулотлари, мева, узум етказиб бередилар. Тожикистон механкашларининг ғайрат ва шижоати туфайли давлатга пилла сотиш йиллик плани бахорги қурт боқиш қисобигаёқ ортиги билан адо этилди. Ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда анча кўп сут ва жун етиштирилди. Республикада ғалла ўрими ва давлатга дон сотиш қизитиб юборилган. Бир неча районлар ва жуда кўп колхоз ва совхозлар давлатга пландан ташқари дон сотмоқдалар.

Биз кўшни республика колхоз ва совхозларида бўлганимизда кўп ибратли ишларни кўрдик, илғор тажрибаларни ўргандик. Вахш районидаги Карл Маркс номли, «Правда», Колхозобод районидаги «Москва», Регар районидаги Ленин номли, «Партия XXII съезди», Восе районидаги Ленин номли, Хумсангир районидаги «Коммунизм», Жданов номли, Ленин номли, Матчоҳ районидаги «Зарафшон», Шахритуз районидаги Ленин номли, «Коммунизм», Пархор районидаги Ленин номли, Нов районидаги Ленин номли, Ленин районидаги «Коммунизм» колхозларида ва бошқа кўплаб хўжаликларда қишлоқ хўжалик ишларининг пухта ташкил этилганлиги, шу кунларда қосил тақдирини ҳал қилаётган колхозчиларга, совхоз ишчиларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ўзбек пахтакорларининг вакилларини беҳад хурсанд қилди. Бу хўжаликларда мўл ҳосил етиштириш учун барча чоралар кўрилмоқда, агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинаётир, далаларда бирорта ҳам бегона ўт кўринмайди, ҳатто пайкалларнинг уватларида ҳам ўт йўқ. Сифатли парвариш туфайли ҳар туп ғўзада 6-10 тадан кўсак бор. Кўпгина хўжаликларнинг далаларида қишлоқ хўжалик заракунандалари пайдо бўлган бўлса ҳам, у ҳосилга зарар ўтказолмаган. Чунки пахтакорлар ҳашаротни вақтида қириб ташлаганлар ва унинг тарқалишига мутлако йўл қўймаганлар.

Узаро текшириш бригадаси аъзолари, мусобақадошларимиз пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлида дадил ишлар қилаётганликларидан мамнун бўлдилар. Колхоз ва совхозларда кўплаб комплекс механизациялашган бригадалар ташкил этилди. Улар ҳосилнинг асосий қисмини машиналар билан териб олиш учун ғўзани машинабоп қилиб ўстирганлар ва мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Колхозобод районидаги «Москва» колхозига тажрибали пахтакор Мавлон Корёгдиев раислик қилади. Бу хўжалик 1000 гектар майдонда ингичка толали пахта етиштиради. Колхоз ингичка толали пахтани йиғиб-териб олишни механизациялашда ташаббускор бўлмоқда. Ўтган йили бу ерда ҳосилнинг 22 проценти машиналар билан териб олинган бўлса, бу йил камида 60 процентини териб олиш кўзда тутилмоқда. 14 та пахта териш машинаси, 8 та кўрак териш машинаси мавсумга тахт қилиб қўйилган.

Тожик пахтакорлари катта қийинчиликларга ҳам дуч келганлар. Биргина Регар районидаги Калинин номли колхозда 2100 гектар пахта майдонидан 1600 гектардаги ғўзани сел олиб кетган. Колхозчилар бу ерларга май ойида қайта чигит экканлар ва унинг тез ривожланишини таъминлаганлар. Қишлоқ хўжалик заракунандалари, айниқса ўргимчаккана кўп тарқалган. Ленинобод группаси районларида, Кўлобдаги айрим хўжаликларда сув танқис бўлган. Бу қийинчиликларни енгиш учун тожик пахтакорлари кўп ишлар қилганликларини кўрдик.

Мусобақадошларимиз пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни ҳам юксалтирмоқдалар. Эндиликда йирик пахтакор хўжаликларда ҳам чорвачилик рентабелли тармоққа айланмоқда.

Бир мисол келтириб ўтайлик. Хумсангир районидаги ўртоқ Анвар Қаландаров раҳбарлик қилаётган Ленин номли колхоз 2700 гектар майдонда пахта етиштиради. Колхозчилар алмашлаб экишни тўла жорий этганлар. Беда майдонлари 800 гектарга етказилган ва ҳозир бешинчи ўрим бошлаб юборилган. 5 та қорамолчилик фермасида илғор тажрибалар кенг қўлланилмоқда.

Қўрғонтепа селекция станциясида ўртоқ В. П. Красичков раҳбарлигида яратилган пахтанинг янги «5595-В» нави Тожикистонда катта майдонларда етиштирилмоқда. Бу нав ўзбек пахтакорларини, айниқса Сурхондарё ва Кашқадарё пахтакорларининг вакилларини жуда қизиқтирди. Ингичка толали пахтанинг бу нави бошқа навларига қараганда аввало ҳосилдорлиги, касалликларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Вахш водийси пахтакорлари бу навдан гектар бошига ҳар йили 30 центнердан ошириб ҳосил олмоқдалар. Бизнингча, ингичка толали пахтанинг янги навини Ўзбекистоннинг жанубий районларида кенг миқёсда синаб кўриш керак.

Мусобақадошларимиз боғдорчиликни ривожлантиришга катта аҳамият бераётганликларидан беҳад хурсанд бўлдик. Кейинги йилларда минглаб гектар янги боғлар барпо қилинган. Илгари бўш ётган қирлар, адирлар энди мевали дарахтлар билан копланган. Айниқса Ҳисор водийсида катта майдонларда янги боғ барпо этилган. Ҳисор районидаги йирик пахтакор хўжалик — «Ленинград» колхозида боғ ва токзорлар 500 гектарга, Жданов номли колхозда 400 гектарга етказилган. Ҳисор райони механкашлари давлатга 10.000 тонна ўрнига икки баравар кўпроқ мева ва узум етказиб бериш учун курашмоқдалар.

Шунингдек, республикада сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка майдонлари кенгайтирилган. Шуниси қувончлики, йиғирмага яқин хўжалик цитрус мевалар етиштирмоқда. Масалан, Колхозобод районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ҳар туп дарахтдан 200-250 дона лимон олинмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубий районларида ҳам лимон ва апельсин етиштиришни кенг йўлга қўйиш учун ҳамма имкониятлар бор. Биз бу соҳада ҳам қардош тожик деҳқонларидан кенг фойдаланишимиз мумкин.

Август ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой деб эълон қилинди. Шу ой ичида ҳамма майдондаги ғўзани 1,5 марта, қолоқ участкаларда 2-2,5 марта парвариш қилишмоқчи. Ҳозир далаларга кўплаб гўнг ташиб чиқарилиб, ғўзага «шарбат» оқизиляпти. Куйбишев районидаги «Тожикистон», Ленин номли колхозларнинг бригадаларида ҳар бир пайкалда «шарбат» ҳовузлари ташкил этилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курош яхши ташкил этилган, бу ишда самолётлардан ҳам, қўл аппаратларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Энтомологлар ҳар бир картани текшириб турибдилар.

Август ойи ҳақиқатан ҳам кўп ишлар бажариладиган ой эканлиги маълум. Дўстларимиз шуни ҳисобга олган ҳолда барча ишчи кучи ва техника воситаларини сафарбар этиб, август ойида ғўза парваришини кучайтирдилар, шу билан бирга пахта йиғим-теримига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Терим машиналари 15 августгача тўла ремонтдан чиқарилади. 3 минтга яқин механик-ҳайдовчи ишга шай. Механизациялашган сушилкалар тахт қилиняпти.

Ўзбекистон пахтакорларининг вакиллари қардош республика қишлоқларида маданий-маиший ишларнинг, қишлоқ қурилишининг яхши йўлга қўйилганидан хурсанд бўлдилар. Кўпчилик колхозларда бригада типовой дала шийпонлари қурилган ва улар радиолаштирилган, Шийпон ёнида типовой яслилар, душ ишлаб турибди.

Мусобақадош Тожикистон механкашлари Ўзбек пахтакорларининг вакилларини самимий кутиб олдилар. Биз дўстларимиз ютуқларидан мамнун бўлдик. Шу билан бирга районларда, колхоз ва совхозларда, бригадаларда бўлганимизда дўстларимиз ишидаги камчиликларни очик айтдик, маслаҳатлар бердик. Шу нарса қувончликки, улар бу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб, дарҳол амалга ошира бошладилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон механкашларининг традицион мусобақаси ҳар икки томонга ҳам, шубҳасиз, катта самера беради. Тожикистон механкашлари август ойида ғўза парваришини қизғин давом эттириб, давлатга 545 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажаришларига шубҳа йўқ.

О. ҲАКИМОВ.

Узаро текшириш бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари.

Л. БУТИКОВ.

Сурхондарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари.

М. НАРИЯНЦ.

Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, қишлоқ хўжалик экономикаси Ўрта Осиё институтининг бўлим мудири.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
С. ИСМОИЛОВ,

«Совет Узбекистони» ва «Ҳақиқати Узбекистон»нинг махсус мухбирлари.

КОММУНИСТЛАР ТАШАББУСИ

Бир группа илғор пахтакорларнинг қишлоқ меҳнатчиларига мурожаатида, коммунистлар ҳамма жойда етакчи, маслаҳатчи ташкилотчидирлар, дейилган. Заводимиз коммунистлари бу сўзларнинг маъзини чақиб, ўзларига тегишли хулоса чиқариб олдилар.

Шу кунларда коллективимиз олдида энг масъулиятли вазифа қишлоқ хўжалик машиналари «ўмри»ни — хизмат муддатини узайтириш, шу тариқа пахтакорларга яқиндан ёрдам бериш вазифаси турибди. Яқин вақтларгача бу соҳада жиддий камчиликларга йўл қўйиб келинди. Яъни кўпинча қишлоқ хўжалик техникаси «Қўлдан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида ремонт қилинар эди.

Заводимиз коммунистлари ишчилар, инженер-техниклар билан бамаслаҳат зарур ташкилий-техника тадбирларини белгилаб чиқишди. Ҳар бир слесарь, токарь ҳамда разрядли ишчининг меҳнат самараларини қайд қилувчи махсус паспортлар жорий этилди. Бу билан ишчиларнинг ўз ишига нисбатан масъулияти ошди, меҳнат унумдорлиги кўтарилди.

Мана, пахта йиғим-терими ҳам яқинлашиб қолмоқда. Хўжаликлардан келаётган талабномалар кун сайин ортиб бормоқда. Пахта териш машиналарининг моторлари, запас қисмларига бўлган эҳтиёж айниқса катта. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН БИЗ ГАРАНТИЯЛИ РЕМОНТ УСУЛИГА КЎЧДИК. БУ ДЕГАН СЎЗ, РЕМОНТДАН ЧИҚҚАН ТЕХНИКАГА ҲУЖЖАТ ТОПШИРИЛИБ, УНГА МАЪЛУМ СИНОВ ДАВРИ БЕЛГИЛАНАДИ. Бу, ишчиларнинг масъулиятини ҳам, ижодий ғайратини ҳам оширмоқда. Техника ремонтининг сифат кўрсаткичлари ортиб, корхона даромади кўпайиб бораётир.

Заводимизда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш етти ойлик топшириғи муддатидан олдин бажарилди. Коммунист, комсомоллар ташаббуси билан пландан ташқари 42 трактор, бир нечта автомашина моторлари, двигателлари сифатли ремонт қилинди. Бу ишда коммунист Иван Панфилович Каноплин бошчилик қилаётган мотор цехи, айниқса яхши кўрсаткичга эришди. Цехнинг моҳир ишчилари қўлида ремонт қилинган трактор, автомашина моторлари синовдан муваффақиятли ўтмоқда. Мотор цехи ҳақида гапирар эканмиз Иззат Нуруллаев раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси тўғрисида тўхталмай илож-жимиз йўқ. Бригаданинг Ф. Тўраев, М. Мусинов, А. Содиқов каби машъал ишчилари моторларни йиғишда смена нормаларини доимо бир ярим-икки ҳисса ошириб бажармоқдалар. Улар пахта териш агрегатлари, юк машиналари моторларининг соз бўлишига айниқса катта эътибор бершяпти.

Механика цехи коллективи ҳам пешқадам ҳисобланади. Цех коммунистлари заводда биринчи бўлиб, ҳар бир ишчи икки-уч касб эгаси бўлсин, деган ташаббусни бошлаб берган эди. Ҳозирги кунда ташаббускорлар цехини ҳамма кўп касбли ишчилар цехи деб юритади. Цехнинг Н. Каримов, Ш. Хўжаев, К. Усмонов ва З. Шарипов сингари коммунистик меҳнат бригадаларининг ишлаб чиқаришдаги аъло кўрсаткичлари билан бутун заводимиз фахрланади. Улар шу кунларда маҳсулот сифати учун курашда байроқдор бўлиб келишяпти.

Заводимиз ҳозирги кунда Бухоро, Ромитан, Вобкент, Ғиждувон районларидаги бир қанча хўжаликлардан кўплаб талабномалар олиб турибди. Меҳнатсевар коллективимиз деҳқонлар истагини бажо келтириш учун бутун кучини аямай ишлаяпти. Меҳнатда, одоб, аҳлонда ҳаммага ўрнак бўлиш, нуқул сифатли маҳсулот етказиб бериш учун кураш — ҳаммамизнинг мақсадимиз.

Ю. БОБОЕВ,
Бухоро мотор-ремонт заводининг директори.

ХИРОСИМА ДАҲШАТИ ТАКРОРЛАНМАСИН

Бухорода Японияннинг Хиросима шаҳрига Америка империалистлари томонидан атом бомбаси ташланган куннинг 20 йиллигига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда область комсомол комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Авезов «Хиросима даҳшатининг 20 йиллиги тўғрисида» доклад қилди.

Митингда Совет—Япония комитетининг раиси Мокудай Тэцуо, Совет—Япония Олимпия ижроия комитетининг директори Китад Зима ва бошқа японияллик меҳмонлар ҳам сўзга чиқиб, Хиросима даҳшати ҳақида ҳаяжон билан гапирдилар.

Митинг охирида японияллик меҳмонлар «КПСС—хейва», «КПСС—тинчлик», «СССР—хейва», «СССР — тинчлик» деган сўзларни бир неча бор такрорладилар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УЛЬЯНОВЛАР ОИЛАСИ ТЎҒРИСИДА НОМАЪЛУМ ХАТЛАР

УЛЬЯНОВСК. В. И. Ленининг яқин қариндошларидан бири бўлган Любовь Ивановна Веретенниковаинг ўнта номаълум хатини тарих ўқитувчиси Ж. А. Трофимов бошқа тадқиқотчилар ёрдами билан топди. Ульяновлар оиласи Кокушкинода яшаган даврга тааллуқли бу хатлар оиладаги дўстлик ва иноқлик вазиятини ёрқин тасвирлаб беради. Бу хатлар А. И. Ульянова ва Л. И. Веретенниковаинг кенг кўпчиликка маълум бўлган хотираларидаги маълумотларга қўшимча янгиликлар қўшади. Чунончи, 1868 йил 24 июлдаги хатда Илья Николаевич Ульянов туғилган кун нақадар самимият ва бемалолликбилан нишонланганлиги ҳикоя қилинади.

1869 йил 18 июлдаги хатда бундай дейилади: «Шу кунларда Илья Николаевич билан Маша холанинг кичик қизи Оля вафот этди... Олянинг бетоблиги ва вафоти Кокушкинодаги шоду ҳуррамликни таг-томири билан юлиб ташлагандек бўлди ва шу жойда яшовчи кишиларнинг ҳамиасини оғир мусибатга солиб қўйди». (Бу хатда таъ Ульяновлар оиласидаги учинчи бола — Ольга тўғрисида бораётир. Бу қизча чақалоқлик чоғидаёқ ўлган эди. 1871 йилда туғилган қизга ҳам Ольга деб ном берилди).

Шу хатларнинг кўпида Илья Николаевич Ульяновнинг ўз атрофидаги кишиларга кўрсатган яхши таъсири сезилиб турибди. Хатлардан бирида Любовь Ивановна Илья Николаевичнинг маслаҳатларига амал қилиб бўлса керак, ўзининг ўқитувчи бўлиб ишлашни истаганлиги, лекин шаҳарда эмас, балки қишлоқда ўқитувчилик қилиш нияти борилигини ёзади. Бунга асосий сабаб қилиб, у қуйидагиларни айтади: «Қишлоқда улар (яъни ўқувчилар. — Редакция) билан бирга яшай берасан ва шу сабабли, ўзингнинг муносабатларингни фақат дарс вақти билан чеклаб қўймасанг ҳам бўлади...».

Тадқиқотчилар шу хатларнинг ҳаммасини нашр этишга тайёрланмоқдалар. Улар топилган хатларнинг мазмунини шарҳлаб берадилар ва шу хатлар қандай топилганлигини батафсил баён қиладилар. (ТАСС).



Оҳангарон цемент-шифер комбинати қудратига-қудрат қўшилмоқда. Шу кеча-кундузда корхонанинг тўртинчи айланма печини монтажлаш ишлари олиб бориляпти. Бу печь ишга туширилиши билан комбинат йилига 1 миллион 800 минг тонна цемент тайёрлаш қувватига эга бўлади. Суратда: корхона участкаларидан бирининг кўриниши.

И.Глауберзон фотоси.

ИҚТИСОДИЙ ФАН ВА

ЭКОНОМИСТ ОЛИМ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Иқтисодий фанни ривожлантириш ҳамиша Коммунистик партиянинг диққат марказида бўлиб келди. Партия ўзининг амалий фаолиятида, иқтисодий сиёсатида иқтисодий қонуният талабларига амал қилди. Социалистик экономика илмий асосда, жамият тараққиёти ва унинг иқтисодий қонунларининг талабларига мувофиқ суратда вужудга келди ва қарор топди. Социалистик экономиканинг шаклланиши ва тараққиёти хўжалик практикаси соҳасида назарий хулосалар чиқаришни талаб қилди. Иқтисодий қурилишнинг худди ана шундай яхлит назариясини В. И. Ленин яратди.

Коммунистик партия ленинча назарияга амал қилиб, социалистик қурилишда ҳал қилувчи муваффақиятларга эришди. Шу билан бирга, партия ўзининг революцион фаолиятида марксча-ленинча иқтисодий фанни ижодий ривожлантирди, уни мамлакатимиздаги ва социалистик система мамлакатларидаги хўжалик қурилиши практикасида эришилган янги хулосалар билан бойитди. Бу борада партия XX, XXI ва XXII съездларининг тарихий қарорлари айниқса катта роль ўйнади. Иқтисодий назариянинг ижодий ривожланиши партия Программасида ўзининг чуқур ифодасини топди.

Кейинги йилларда экономика фани муайян ютуқларга эришди. Ғоят муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган жуда йирик проблемалар ишлаб чиқилди. Чунончи, социализмнинг иқтисодий қонунлари тўғрисидаги, социализмнинг ўсиб-ривожланиб, коммунизмга айланишидаги иқтисодий қонуниятлар, социалистик мулк ҳар иккала формасининг ривожланиши ва уларнинг бир-бирига яқинлашуви проблемалари, ижтимоий ишлаб чиқариш ҳамда халқ хўжалигига капитал маблағлар сарфлашнинг самарасини ошириш, товар-пул муносабатлари, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш қонуниятлари тўғрисидаги проблемалар ишлаб чиқилди.

Иқтисодий тадқиқотларнинг математик методлари тобора кенг қўлланилмоқда. Кейинги йилларда сиёсий иқтисод ва тармоқлар экономикаси юзасидан бир қанча дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. Бу эса иқтисодий таълим ва иқтисодий пропагандани анча яхшилади. Жумладан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иқтисод институти ҳамда Халқ хўжалик институтининг кафедралари иқтисодий қурилиш ва республиканинг иқтисодий тарихи актуал проблемалари юзасидан бир қанча илмий монографиялар нашр этдилар.

Бироқ, шу нарсани рўй-рост айтиш керакки, иқтисодий фан ва иқтисодий тадқиқотларнинг ҳозирги вақтдаги аҳволи ҳаёт, коммунистик қурилиш практикаси тақозо этаётган талабларни қондира олмайди. Иқтисодий фан коммунистик қурилишнинг етилган вазифаларидан ҳамон кейинда қолаётганлиги сезилмоқда. Кейинги йилларда иқтисодий фаннинг роли камситилди ва коммунистик қурилиш учун муҳим бўлган жуда кўп хўжалик вазифалари маъмурий йўл билан ҳал қилинди. Ана шундай ҳаракатларнинг ҳаммаси фаннинг объектив иқтисодий қонунларига очиқдан-очиқ зид бўлиб чиқди ҳамда мамлакат халқ хўжалигига ғоят катта зарар етказди.

КПСС Марказий Комитетининг шу йилги март Пленуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кейинда қолишига социалистик хўжалик иқтисодий қонунларининг бузилганлиги асосий сабаб бўлганлигини кўрсатди.

Субъективизм қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нарх-наволари сиёсатига ёмон таъсир ўтказди. Баъзи бир қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳарид нархлари бир неча йиллар мобайнида уларни етиштиришга қилинган сарф-харажатларни ҳам қоплямади. Бунда қиймат қонуни талаблари очиқдан-очиқ бузилди ва оқибатда қишлоқ хўжалик корхоналари катта зиён кўрди. Хўжаликларнинг фойда олмаслиги колхоз ва совхозлар ижтимоий хўжалигининг такрор ишлаб чиқаришини нормал суратда кенгайтиришга имкон бермади. Ана шу зарарларнинг ҳаммаси аслида давлатнинг берган дотациялари ҳисобига қопланиб келди. Совхозлар учун иқтисодий асосланмаган дотациялар системаси амалда мавжуд бўлиб қолди, кўпгина колхозлар (хусусан иқтисодий жиҳатдан қолоқ колхозлар) давлат банкидан олган қарзларини кечиб юбориш тариқасида қингир дотациялар олиб келдилар.

Қишлоқ хўжалигининг аҳволига ҳаммадан ҳам кўпроқ таъсир кўрсатган нарса — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг амалдаги системаси бўлди. Бу система ишлаб чиқаришга катта зарар етказди, унинг ўсишига тўсқинлик қилди ҳамда иқтисодий негизига путур етказди. Харид қилиш ва тайёрлашнинг амалда бўлган системаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам бера олмади.

Узоқ муддатга мўлжалланган қатъий тайёрлаш планлари, хўжаликнинг ижтимоий харажатларини ҳисобга олиб борадиган муайян харид нархларининг йўқлиги ва ана шу системанинг бошқа кўпгина нуқсонлари колхоз, совхозларнинг ишида ўз имкониятларига ишончсизлик туғдирди, уларнинг хўжалигига зарар етказди, хўжалик ташаббускорлигини заифлаштирди.

Иқтисодий сиёсатга волюнтаристларча ёндашиш колхоз ва совхозларга раҳбарликда, колхоз ишлаб чиқаришининг демократик негизларини бузишда очиқ намоён бўлди. Жуда кўплаб, баъзан атайин ўтказилган қайта қуришлар, қурук маъмуриятчилик ва юқоридан буйруқбозлик қилиш асабийлик, шошқалоқлик вазиятини вужудга келтирди, раҳбарларни истиқболни кўришдан маҳрум этди, уларнинг ўз кучларига бўлган ишончига путур етказди, хўжаликни социалистик негизда юритиш асосларини издан чиқарди. Бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги манфаатларига ва биринчи навбатда, давлат манфаатларига путур етказилди.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги субъективизм агротехникани бир қолипда қўлланишда, турли табиий зоналарнинг экологик ва иқтисодий шарт-шароитларини назар-писанд қилмасликда, қишлоқ хўжалиги ва биология фани ҳамда хўжаликлар эришган илғор тажриба талабларини бузишда намоён бўлди. Қишлоқ хўжалик экинлари структураси юзасидан асосланмаган тавсиялар бериш, алмашлаб экиш ва рационал ўтдала системасининг агротехникадан чиқариб ташланиши мамлакатнинг кўпгина табиий зоналаридаги қишлоқ хўжалигига ғоят катта зарар етказди. Хусусан, ери қора тупроқ бўлмаган минтақадаги районлар, муттасил мўл ҳосил оладиган зоналар зарар кўрди.

Монокультура мамлакатимизнинг пахтакор районларида айниқса кўп тарқалди. Бундай районларда пахта майдонлари пахта-беда алмашлаб экишга кўп путур етказилгани ҳолда (ҳолбуки, у тупроқнинг иқтисодий серунумлигини оширади) умумий экин майдонларининг 85 процентини ташкил этди.

Субъективизм жуда ёмон таъсир кўрсатганлигига биз қишлоқ хўжалигини мисол қилиб олдик. Чунки, айни вақтда партия ва халқимизнинг бутун диққат-эътибори қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган. Бундай бўлиши тасодифий эмас. Волюнтаризм, субъективизм аввало ва асосан, қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатди. Бу ҳол унинг жиддий равишда кейинда қолишига сабаб бўлди. Иккинчидан эса қишлоқ хўжалигини янада юксалтирмай ва чинакам равнақ топтирмай туриб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш тўғрисида гап юритиш нотўғридир. Учинчидан эса, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш проблемаси билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам партиямиз Марказий Комитети қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган хатоларни мумкин қадар тезроқ бартараф этиш, субъективизмга чек қўйиш ҳамда қишлоқ хўжалигининг юксалишини кенг иқтисодий асосда, фан ва илғор тажриба талабларига биноан таъминлаш вазифасини қўйди.

Март Пленуми қишлоқ хўжалигини юксалтириш ҳамда колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш соҳасидаги иқтисодий чоралар системасини ишлаб чиқди. Қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги иқтисодий чораларнинг мунтазам системаси ишлаб чиқилган ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг асосий шарти — қишлоқда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тўғри ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг объектив иқтисодий қонуниятларига қатъий риоя қилиш, колхоз ва совхозларда иқтисодий ишларнинг савиясини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик артелининг демократик асосларини мустаҳкамлашдан иборат.

Волюнтаризм ва субъективизм саноатни бошқаришга ҳам ана шундай зарарли таъсир кўрсатди. Ихтисослаштирилган тармоқ министрликларининг тугатилиши, халқ хўжалиги кенгашлари ва тармоқ давлат ишлаб чиқариш комитетлари системаси тузилиши халқ хўжалигини бошқаришда лозим даражада самара келтирмади. Фикримизча, уларнинг асосий камчиликлари бошқариш ҳаддан ташқари марказлаштириб юборилганлигида, ишлаб чиқаришни бошқаришдаги демократик централизмнинг ленинча принципларига бузилганлигидадир.

Республикаларо халқ хўжалиги кенгашлари (Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши, Закавказье Халқ хўжалиги кенгаши ва шу кабилар) ўзини оқлай олмади. Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши иттифоқдош республикаларнинг ўлка табиий, сув ва ер ресурсларидан биргаликда фойдаланишдаги куч-ғайратларини бирлаштириш ўрнига, ана шу бепоён ўлкадаги бутун саноатни унинг энг муҳим тармоқларидан тортиб, то маҳаллий озиқ-овқат саноатигача ва ҳатто аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи саноатигача марказлаштириб юборди. Бундай ортиқча марказлаштириш системаси вақтида маҳаллий ҳокимият органлари саноатни бошқариш имкониятидан ажралиб қолдилар. Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши кенг ўлканинг улкан хўжалигига кун сайин амалий раҳбарлик қилишга улгуролмай қолди, у тарқатиб юборилди.

Бу, қардош республикалар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам проблемасининг моҳияти ва аҳамиятини йўқотади, деган гап эмас. Асло бундай эмас. Чунки уларнинг иқтисодий ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами тараққиётимизнинг қонуниятидир. социалистик миллатларнинг бир-бирини бойитиши ва бир-бирига яқинлашишининг энг муҳим шартидир.

Ўрта Осиё республикалари табиий зоналари жиҳатдан тахминан бир доирада бўлиб, Амударё ва Сирдарёнинг ҳаётбахш сув артериясидан баҳра олмоқдалар. Улар сув, ер ва табиий бойликларни биргаликда ўзлаштирмоқдалар, совет пахтачилигининг жуда йирик янги районларини вужудга келтирмоқдалар. Келажакда бу анъаналар тағин ҳам ривож топиши турган гап. Шу сабабли Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий ва меҳнатдаги куч-ғайратларини кенг маколат асосида мувофиқлаштирувчи орган вужудга келтирилса яхши бўлур эди.

Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган республика ва районларо халқ хўжалиги кенгашларини ҳам мақсадга мувофиқ даражада иш олиб бормоқдалар, деб бўлмайди. Бошқаришнинг бу органи такомиллашмаганлигини Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши мисолида яққол кўриш мумкин. Республика Халқ хўжалик кенгаши саноатнинг юзта турли тармоқларини ташкил этувчи мингдан кўпроқ йирик корхонани (бундай корхоналар эса республикада 1.500 дан кўпроқ) бирлаштиради. Ўзининг область ва маҳаллий органларига (тармоқ бошқармалари ва трестлардан ташқари) эга бўлмаган Халқ хўжалиги кенгашининг шунчалик йирик хўжалиннни оператив тарзда бошқариши ғоят қийин. Бошқа республика халқ хўжалиги кенгашларида ҳам аҳвол худди ана шундай. Буларнинг ҳаммаси саноатни бошқаришни янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Буни эса зарур бўлган жойларда республика халқ хўжалиги кенгашларини кичрайтириш ёки уларда умумиттифоқ аҳамиятга эга бўлган йирик саноатнигина сақлаб қолиб, халқ хўжалиги кенгашлари фаолияти доирасини чеклаш йўли билан амалга ошириш мумкин. Бундай қилинган вақтда енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва маҳаллий саноат маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига топширилади, бу эса уларнинг ташаббускорлигини оширади.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ОБОД БЎЛСИН

БИНОКОРЛАР ТАЛАБИ

Колхоз қишлоқларида қурилиш ишлари кўлами ҳар қачонгидан кенгайиб бормоқда. Бунинг сабаби равшан. Коллектив хўжаликлар экономикаси ривожланиб, улар иқтисодий жиҳатдан анча бақувват бўлиб қолдилар. Уларнинг жамоат бойлиги кўпайиб, бўлинмас фондлардаги маблағ ҳажми ошди. Бу капитал қурилишни кенг авж олдириш имконини беряпти.

Колхозлараро қурилиш ташкилотимиз кейинги даврда ўз ишини қайта қуриб олди. Ташкилотни малакали бинокорлар билан мустаҳкамлаш, қурилишни индустриалштириш ва барқарор моддий-техника базаси вужудга келтириш соҳасида амалга оширилган қатор тадбирлар дастлабки самарасини берди. Бу йил салкам ярим миллион сўмлик қурилиш ишларини бажариш планлаштирилган эди, хозиргача йиллик план 65 процентдан ортиқ бажарилди.

Шу йилнинг ўтган ойларида 10 та ишлаб чиқариш объекти, жумладан Куйбишев номли ва Киров номли колхозларда машина-трактор парки, 400 бош мол сиғадиган сигирхона, шунингдек «Правда» колхозида ўрта мактаб, типовой дала шийпони, «Коммунизм» колхозида 90 ўринли боғча-ясли ва бошқа жамоат binolari, Тахиатош ГРЭСи подстанцияси учун учта уй-жой биноси қурилди ва фойдаланишга берилди. Ҳозирги пайтда кўпгина ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қуриб битказилиш арафасида.

Қурилиш мастерларидан Илло Алиев, Матёқуб Нуриддинов, ғишт терувчилардан область Совети депутати Хушрўй Яхшимуродова, суворчи Ҳожи Юсупов, дурадгор Саъдулла Абдуллаев, механик Амин Худойберганов, шофер Йўлдош Заргаров каби ишлаб чиқариш пешқадамлари билан бутун коллективимиз фахрланади. Мадамин Раҳимов бошлиқ комплекс бригада, Ҳабибулла Одамовнинг дурадгорлар бригадаси коммунистик меҳнат ҳаракатига қўшилиб, мусобақада олдинда бораётирлар.

Шуниси қувончлики, конкрет тадбирлар амалга оширилганлиги, ҳар бир объектда иш устидан назорат кучайтирилганлиги туфайли қурилиш сифати кескин яхшиланди. Браксиз ишлаш — коллективнинг шиорига айланди. Қурилиш таннархи ўтган йилдагига қараганда 10-12 процент арзонлашди.

Бироқ, қурилиш ишлари талаб даражасида ташкил этилган, деб бўлмайди. Колхозлараро қурилиш ташкилоти механизациялашган ва индустриал базага таянган бўлиши керак. Бизда эса қўл кучининг ҳиссаси катта. Автоматлашган рандалаш ва йўниш станоклари етишмайди. Ғишт заводлари ҳануз электрлаштирилмаган, агрегатлар бўла туриб, ғишт қўл кучи билан қуйилади. Шунингдек, транспортёрлар, автомашиналар, аккумуляторлар, мотор учун запас қисмлар керак. «Облколхозстрой» трести ва «Узсельхозтехника» область бирлашмаси бизнинг эҳтиёжларимизни қондириш ҳақида кўпдан буён ваъдалар беряпти-ю, лекин натижа бўлмаётир.

Кадрлар ҳақида икки оғиз сўз. Бизда малакали бинокорлар, жумладан суворчилар, пардозчилар, ғишт терувчилар етишмайди. Урганч профессионал-техника билим юрти қишлоқ қурилишлари эҳтиёжини ҳисобга олиб иш кўрмаётир. «Облколхозстрой» трести қошида икки йиллик қурилиш билим юрти ташкил этиш, қисқа муддатли малака ошириш курслари очиш мақсадга мувофиқ иш бўлур эди.

Қишлоқ бинокорлари қурилиш ишлари ҳажми кенг авж олган хозирги босқичда қуриш, яратишдан иборат олижаноб бурчларини шараф билан адо этишга, тез, соз ва арзон қуришга қатъий бел боғлагайлар.

Оқижон ДАВЛАТОВ,
Ғурлан район колхозлараро қурилиш ташкилотининг раиси.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ЁЛҒОН ВАЪДАЛАР

Бу йил Қорақалпоғистон Автоном Республикасида 134 мактаб капитал, 450 мактаб жорий ремонтдан чиқарилиши керак. Ҳозиргача кўпчилик районларда ўнлаб мактаблар жорий ва капитал ремонт қилинди. Ҳамма объектларда қурилиш суръатлари тезлаштирилмоқда.

Лекин шунга қарамай, мактаб қурилишида катта камчиликлар бор. Область партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари бунинг олдини олишда старли даражада ғамхўрлик қилмаяптилар.

Автоном республика Маориф министрлиги мактаб қурилишидаги нуқсонларни давлат план комиссиясига ва бошқа ташкилотларга бир неча марта маълум қилди. Лекин, барибир, улардан қутилган ёрдам олинмади.

Мактаб қурилишига 2 миллион 891 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, шундан атиги 585 минг сўми сарфланди. Яъни қурилиш плани энди 20 процент бажарилди.

166 ва 12-қурилиш трести раҳбарлари мактаблар маъмуриятига: — binolarни кечиктирмасдан қуриб берамиз, — деб қурук ваъда бериб келаётирлар. Эндиликда уларнинг ваъдаларига кўпчилик ишонмайдиган бўлиб қолди.

Хўжайлининг янги шаҳрида шу пайтгача бирота типовой ўрта мактаб йўқ. Бу ерда бундан 4 йил илгари 964 ўринли Маяковский номли ўрта мактаб қурилиши бошланган эди. Лекин қурилиш ишлари ҳаддан ташқари судралиб келмоқда. Кегайли посёлкасидаги, Нукус шаҳрининг Калинин кўчасидаги, Тахтакўпирдаги ҳар бири 536—964 ўринли мактабларнинг қурилиши 1962 йилдан буён битказилмаяпти. Тахнатошдаги Беруний номли мактаб қурилишида ҳам сира силжиш бўлмаяпти.

Колхоз ва совхозлардаги мактаб ремонтлари ҳам ёмон аҳволда. Ўртоқ Я. Ф. Вирва раҳбарлик қилаётган 12-қурилиш трести инженер-техниклари эса мактаб қурилишига иккинчи даражали иш деб қарамоқдалар.

«Партия XXII съезди», «Олтин кўл», «Маданият», «ВЛКСМ 45 йиллиги», «Майёб» совхозларидаги мактабларда, айниқса, аҳвол чатоқ. Чапаев номли совхозда 536 ўринли мактаб қурилишига 264,2 минг сўм маблағ ажратилган эди, шу пайтгача бир сўми ҳам сарф қилинмади.

Хўжайли районида 13 та, Чимбойда 7 та, Кегайлида 6 та, Мўйноқда 4 та, Автоном республикада ҳаммаси бўлиб 57 мактабда 17888 ўринли қўшимча синф хоналари қурилиши керак эди. Ҳозиргача шулардан бирортаси ҳам битказилиб, фойдаланишга топширилмади.

Бу нуқсонларнинг бари қурилиш материалларининг етишмаслигига бориб тақалади. Қорақалпоғистон АССР Давлат план комиссияси, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ғишт ва қурилиш материаллари етказиб бериш масаласида суст-кашлик қилмоқдалар.

Мактаб қурилишига 9 миллион 750 минг дона пишиқ ғишт, 6435 кубометр харсангтош, 7790 квадрат метр толь, 6890 килограмм мих, 45500 квадрат метр шифер, 1445 квадрат метр ойна ва бошқа қурилиш материаллари етишмайди. Мана шу қурилиш материаллари тезликда етказиб берилмаса, мактаблар қурилиши янада судралиши мумкин.

Ғишт етишмаётганини эътиборга олган мактабларда жамоатчиликнинг кучи билан салкам 1 миллион хом ғишт тайёрланди. Фақат Кегайли районидаги Чкалов номли ўрта мактабнинг ўзида 75 минг ғишт қуйилди. Афсуски, ўқитувчилар ва юқори синф ўқувчиларининг кучи билан тайёрланган мана шу ғиштларни заводлар ўз вақтида пиширib бермаётирлар. Чимбой районида тайёрланган 410 минг дона хом ғиштдан атиги 146 минг донаси заводга қабул қилинди. Улар ҳам пиширилмасдан қолиб кетди. Ғиштни қабул қилиб олган корхона раҳбарлари жамоатчиликнинг меҳнатини ҳурмат қилишлари керак эди!

Хуллас, мактаб қурилишини тезлаштиришда область партия комитети ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети конкрет тадбирларни амалга оширишлари зарур.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА босилгандан КЕЙИН

«МЕН ЎГАЙМИ?»

Редакцияга Фарғона область партия комитетидан қуйидагиларни маълум қилишди:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 27 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали фельетонда Бағдод районидаги «Ленинград» колхози раиси О. Аҳмедов сув танқиси бўлган бу йилги шароитда мавжуд сув ресурсларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш, ғўзаларни чанқатиб қўймаслик чорасини кўриш ўрнига район ташкилотларига устма-уст телефон қилиб, сувдан ёрдам беришларини сўраган. Ваҳоланки, шу пайтда хўжаликнинг ўзида сув исрофгарчилигига йўл қўйилган. Фельетон юзасидан ўтказилган текшириш якуни район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, О. Аҳмедов ва колхоз партия комитетининг секретари Эсонов ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилди. Уларга йўл қўйилган камчиликларни оператив тарзда тугатиш чораларини кўриш топширилди. Райондаги бошқа колхозларда ҳам ана шундай камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик тадбирлари белгиланди.

ХУШХАБАРЛАР

ЯНГИ ТЕХНИКА

Қаршидаги ёғни экстракция қилиш заводида корхонани реконструкция қилиш янги мавсумга тайёргарлик кўриш билан бир вақтга тўғри келди. Биринчи навбатда пресс цехи реконструкция қилинади. Бу ерда сентябрь ойининг бошигача эскириб қолган барча машина-ускуналарни батамом янгилаш кўзда тутилади. Бу эса ёғ сифатини ошириш ва бир суткада чигитни қайта ишлашни қарийб 50 тонна кўпайтириш имконини беради.

Пресс цехини реконструкция қилишдан олинадиган иқтисодий самара йилига 300 минг сўмдан кўп бўлади.

ФАРҒОНАЛИК БИНОКОРЛАР СОВҒАСИ

Фарғонадаги 8- трест иккинчи қурилиш бошқармасининг коллективи монтаж ишлари ва уй-жой қурилиши етти йиллик топшириғини муддатидан олдин бажарди. Иш таннархини камайтириш ҳисобига белгиланган топшириқдан ташқари 1 миллион 125 минг сўм маблағ тежаб қолинди. Йирик панелли биноларни монтаж қилишнинг поток усули кенг жорий қилинганлиги натижасида ана шу муваффақиятга эришилди.

Коллектив етти йиллик охиригача қўшимча суратда яна 20 минг квадрат метр уй-жойни, иккита болалар комбинатини, профессионал-техника билим юрти биносини фойдаланишга топширишга қарор қилди.

Мирзачўлдаги 1-«Боёвут» совхозида ғўзаларни чеканка қилиш иши тугалланиш арафасида турибди. Суратда: шу хўжаликнинг далаларида чеканка ўтказилаётган пайт.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

УЧ ЎРИМДА ЮЗ ЦЕНТНЕР ҲОСИЛ

Ленинск. Андижон область қишлоқ хўжалик тажриба станциясининг далаларида экилган ўтларнинг учинчи ўрими тугади. Ҳар гектар ердан юз центнердан қуруқ пичан йиғиштириб олинди.

Бедачилар яна икки марта ўриб, ҳар гектар ердан қўшимча равишда 50 центнер қимматли озуқа йиғиштириб олишни мўлжалламоқдалар. Экилган ўтлар орасида беданинг «Ф-1» нави ҳам бор.

(ЎзТАГ).

ХЎЖАЛИК СИЁСАТИ

Коммунистик қурилишда экономика фанининг ва биринчи навбатда, сиёсий иқтисод фанининг ролини қандай қилиб ошириш, унинг Коммунистик партия, Совет давлатининг иқтисодий сиёсатига таъсирини қандай қилиб кучайтириш лозимлиги масаласи экономика фани олдида энг муҳим вазифа бўлиб турибди.

Биринчи навбатда сиёсий-иқтисод фани ҳаётдан, коммунистик қурилишнинг энг муҳим проблемаларидан ҳали ҳам узилиб қолаётганлигига барҳам бериш зарур. Бу масала сиёсий иқтисоднинг бутун мазмунини социалистик қурилиш тажрибасининг хулосалари, коммунизмга ўтишнинг қонуниятлари билан бойитиш, халқ хўжалигининг кенг доирадаги проблемаларини, иқтисодий ҳаётнинг чуқур жараёнларини тадқиқ қилиш ва шу тарика сиёсий иқтисодни ҳаракат дастурига, иқтисодий сиёсатнинг илмий негизига айлантириш орқали ҳал қилиш мумкин.

В. И. Ленин, сиёсий иқтисод кишиларнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганади, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий тузилишини ишлаб чиқарувчи кучлардан ажралган ҳолда эмас, балки ана шу ишлаб чиқарувчи кучлар билан мустаҳкам боғланган ҳолда ўрганади, деб таълим берган. Ана шу ленинча кондани бир карра пухта ўқиб олмоқ керак. Шунинг учун ҳам илмий абстракция методи сиёсий иқтисодни бирданбир методи сифатида экономик-математик метод билан тўлдирилиши, сифат анализи иқтисодий жараёнларнинг ва сиёсий иқтисод турли категорияларининг миқдор характеристикаси билан тўлдирилиши керак. Асосий вазифа — иқтисодий қонунлар ва категориялардан практикада қўлланиш қонунлари, методлари ва йўлларининг моҳияти, уларнинг ҳаракат механизмини очиш орқали ижодий фойдаланишдан иборат. Сиёсий иқтисоднинг хўжалик қурилиши соҳасидаги вазифаларни ҳар тарафлама ва малакали ҳал қилиш қобилиятини ошириш, иқтисодий тараққиётнинг прогрессив тенденцияларини ўз вақтида ва тўғри кўра билиш лозим. Марксча-ленинча сиёсий иқтисод ўзининг хулосалари учун материалий амалий ҳаётдан, ишчилар синфининг революцион курашидан, коммунистик қурилиш практикасидан олади. Айни бир вақтда унинг хулоса ва умумлаштирмалари капитализмни революцион йўл билан агдариб ташлашда, жамиятни ўзгартиришда, социализм ва коммунизм қуришда бебаҳо аҳамиятга эга.

Маркс, Энгельс, Ленин аграр проблемаларга ғоят катта аҳамият бердилар. Ленининг аграр проблемаларга доир асарлари партиянинг аграр программасини, кооперация планини, партиянинг деҳқонларга муносабат соҳасидаги сиёсати сингари масалаларни ишлаб чиқишда ғоят катта роль ўйнади. Афсуски, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг назарий проблемаси сиёсий иқтисоднинг назар-эътиборидан кўпинча четда қолиб келмоқда.

Социализм сиёсий иқтисодининг энг муҳим проблемаси — товар, қиймат, нархлар, фойда ва шу каби ларга капитализмдан мерос қилиб олинган категориялар деб, социализм учун бегона жисм ва улардан мумкин қадар тезроқ воз кечмоқ керак, деб қараш ярамайди. Социализм ва коммунизмга ўтиш шароитида планли иш юритиш қонуни ва бошқа иқтисодий қонунларнинг амалда бўлишига товар-пул формаларининг ҳаракатисиз эришиб бўлмайди, бу формаларнинг ўзи эса планли иш юритиш қуроли ва кўрсаткичларига айланмоғи керак. Проблеманинг моҳияти шундан иборатки, планда белгиланган нархлар маъмурий ҳосилани эмас, балки қарор топган реал муносабатларни ифодалаши, меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқаришнинг самарасини, хўжаликда план ва пропорционалликнинг тўғри ҳисобга олинишига ёрдам берадиган қурол бўлиб қолиши керак. Сиёсий иқтисоднинг категорияларини шу тарика ўрганиш сиёсий иқтисодни ҳаётга яқинлаштиради, унинг халқ хўжалигини планлаштиришда иқтисодий сиёсатга ўтказадиган таъсирини оширади.

Сиёсий иқтисод тақсимот қонунини социализмнинг ўзига хос қонуни сифатида ўрганади. Бироқ кўпинча бундай ўрганиш тажрибада догматик равишда (зарурат, моҳият ва қонун талаби схемасида) ўрганиб келинмоқда. Ваҳолонки, сиёсий иқтисод иш ҳақининг энг рационал системасини, меҳнатни деференцияли рағбатлантиришнинг иқтисодий негизларини, коммунизмга ўтиш даврида ижтимоий истеъмол молларининг пуллик ва бепул бўлиши проблемаларини кўпинча ўрганмаётир.

Сиёсий иқтисоднинг иқтисодий тараққиёт суръатлари ва оптималь пропорциялар, жамғарма ва истеъмол фондлари ўртасидаги нисбатлар проблемаларини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самара келтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари, моддий рағбатлантириш проблемалари, хўжалик ҳисоби, нархноларнинг таркиб топишини илмий жиҳатдан асослаш ва бошқа кўпгина масалалар ижодий ҳал қилиниши керак. Бу эса умуман иқтисодий фан тараққиётини беқиёс юқори даражага кўтаришга, унинг партия ва совет давлатимиз хўжалик сиёсатининг илмий негизлари сифатидаги ролини янада оширишга ёрдам беради.

Одатда талқин этишларича, социализм сиёсий иқтисоди иқтисодий тараққиётнинг умумий қонунлари ва қонуниятларини, тармоқ экономикаси эса ана шу қонунларнинг социалистик экономиканинг турли тармоқларида конкрет ифодаланишини ўрганади. Бундай тасаввур бизнингча, тармоқ экономикаларининг фан сифатидаги доирасини чеклаб қўяди. Ҳолбуки тармоқ экономикаси хўжалик тармоқларининг специфик қонунлари ва қонуниятларини, уларнинг ҳаракат доираси ва улардан иқтисодий ишлаб чиқаришнинг оптималь даражада самарали бўлишига эришиш учун фойдаланиш йўлларини ўрганиши керак.

Иқтисодий сиёсатни шакллантиришда экономика фанининг ролини ошириш иқтисодий ишларнинг савиясига, иқтисодий кадрларни тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйишнинг даражасига ва иқтисодий пропагандининг қандай қўйилганлигига ҳам боғлиқдир. Иқтисодий хизмат кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган бўлса экономика фанининг практикага таъсири тўлиқ ва етарли даражада самарали бўлиши мумкин эмас. Бундай хизматнинг вазифаси — янги техникани эътироф қилиш ва конструкциялашдан, янги технологик жараёнларни яратиш ва жорий этишдан, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самара беришини оширишдан иборат бўлиши ва бу иш иқтисодий соҳада жиддий тадқиқотлар олиб бориш, иқтисодий анализ билан бирга уйғунлаштирилиши керак. Техника тараққиёти ва технологияни такомиллаштириш халқ хўжалигининг нуқтаи назаридан илмий-ижтимоий, иқтисодий самара олишга доим асосланмоғи керак. Бу эса ихтисослаштирилган тармоқ институтлари, завод иқтисодий лабораториялари ва иқтисодий анализ бюролари шохобчаларини вужудга келтириш ва кенгайтиришни тақозо этади. Афсуски бизда экономика хизмати бўғинларининг ана шундай ривожланган системаси ҳозирча йўқ. Яхши йўлга қўйилган иқтисодий хизматни ташкил этиш учун халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишловчи экономистлар, план ходимларининг роли оширилмоғи зарур.

Саноатда, колхоз ва совхозларда бош экономистлар лавозими ролини ошириш керак. Халқ хўжалиги системасида ҳозирги вақтда асосан олий иқтисодий маълумоти бўлмаган экономистлар ишлаб турибди. Чунончи, корхона ва муассасалар план-молия ва статистика бўлимлари бошлиқларининг учдан бир қисми махсус маълумотли эмас.

Ўзбекистон республикасида хўжалик ва планлаштириш органларида ишлаб турган ва қўлида дипломи бўлган экономистлар жами экономистларнинг энг кўпи билан 4 процентини ташкил этади, холос. Инженер-техник ходимлар, агроном ва маъмурий-хўжалик ходимларининг аксарий қисми иқтисодий билимларнинг зарур минимумини эгалламаган кишилардир. Шундай экан, иқтисодий хизматнинг муятазам системасини вужудга келтириш учун, экономика фанининг ролини ошириш учун экономист кадрларнинг ўрнини махсус маълумотя бўлган экономистлар билан тўлдириш, мавжуд кадрларнинг малакасини, халқ хўжалиги барча бўғинларида ишловчи инженер-техник, агроном, хўжалик ва раҳбар кадрларнинг иқтисодий маълумотини ошириш керак.

Корхоналар, трестлар ва халқ хўжалик кенгашларига раҳбарлик қилишда экономистларнинг табақаларини кенгайтириш — иқтисодий ишлар савиясини оширишнинг муҳим омилидир. Ҳозирги вақтда корхоналар, трестлар ва халқ хўжалик кенгашларида иқтисодий маълумоти бўлган кадрлар жуда кам.

Етакчи олимлар-экономистларни умумдавлат иқтисодий тадбирларида қатнашишга ва уларни ишлаб чиқаришга мутасил ва кенг миқёсда жалб этиш, фаннинг турли соҳаларида, биринчи навбатда, иқтисодий фан соҳасида ишлаб турган олимлар билан доимо маслаҳатлашиб туриш ва улардан консультациялар олиш, уларнинг мулоҳазалари, тавсияларига диққат билан қулоқ солиш — иқтисодий ишларни активлаштириш ва уларнинг таъсирчанлигини оширишнинг энг муҳим формасидир. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий сиёсатда субъективизм ва бебошликдан халос бўлишни ҳамда иқтисодий фанга ленинча муносабатда бўлишни гарантиялаши мумкин.

Иқтисодий фанга, унинг хулоса ва тавсияларига нигилистик муносабатда бўлишга барҳам бериш — экономика фанининг таъсирчанлигини оширишнинг ғоят муҳим формаси ҳисобланади. Ваҳолонки, бундай муносабат хўжалик қурилишининг энг муҳим масалалари юзасидан берилган амалий таклифлар ва тавсиялар раҳбар ва хўжалик ходимлари томонидан лозим равишда қўллаб-қувватланмаётганлигида кўзга ташланади. Раҳбар ва хўжалик ходимлари аввалдан қўниқиб кетган эски тартиблар, системаларни бузиб ташлашни истамаётирлар ва ана шу энерция туфайли экономист олимларнинг қимматли таклифларини хўжалик қурилиши практикасига жорий этишга ғов солмоқдалар. Тўғри, бунда экономистларнинг ўзлари ҳам айбдидирлар. Чунки улар ўз таклифларини ҳамма вақт ҳам ниҳоясига етказмайдилар ва бунинг учун лозим даражада сабот-матонат кўрсатмайдилар. Баъзан эса ана шу таклифларнинг ўзи етарли даражада асосланмаган, ҳаётдан, практикадан ажралган бўлади. Кўпгина илмий тадқиқот экономика институтлари, экономика кафедралари ва проблема лабораториялари экономиканинг у ёки бу масалалари юзасидан докладномалар тайёрласалар ҳам улар кўпинча мамлакатнинг турли экономика органларида муҳокама қилинмасдан қолиб кетади ва амалда жорий қилинмайди. Ана шу докладномаларнинг назарий савиясини ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг турмушга татбиқ этилишига эришиш керак.

Ўтказилаётган илмий конференция, кенгаш ва симпозиумларнинг илмий савияси ва таъсирчанлигини ошириш зарур. Шу нарса муҳимки, конференциялар қабул қиладиган резолюциятавсиялар хўжалик қурилиши практикасида кенг қўлланиладиган бўлсин. Бу ва шунгаг ўхшаш тадбирлар экономика фанининг иқтисодий сиёсатга таъсирини оширишда ва халқ хўжалиги соҳасидаги вазифаларни ҳал қилишда катта роль ўйнаши мумкин.

О. АМИНОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Корхоналардан хабар қиладилар

МАРРАГА ЕТИЛДИ

Ленинск шаҳридаги бетон заводи коллективи етти йиллик маррани муддатидан илгари бажаришга қаратилган катта тадбирларни амалга оширди. Натижада улар ваъдаларининг устидан чиқдилар. Шу кеча-кундузда корхона азаматлари 1966 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Заводнинг меҳнат аҳли етти йиллик планга қўшимча қарийб 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

А. ЖАЛОЛИДДИНОВ.

БАЙРОҚДОР КОРХОНА

Андижон мебель фабрикасида тайёрланган шифонер, буфет, сандиқ, жавон ва бошқа буюмлар меҳнаткашларга манзур бўлмоқда. Бу корхона маркаси босилган мебеллар магазинларда тез сотилмоқда. Мебелчилар ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил ортиқи билан бажариб, маҳсулотларнинг юқори сифатли бўлишини таъминламоқдалар.

Корхонада етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган мусобақа яхши натижалар бераяпти. Етти ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи 6,5 ойда бажарилди. Планга қўшимча қарийб 200 минг сўмлик мебель ишлаб чиқарилди. Андижон саноат корхоналари даврасида илғорликни эгаллаб келаётган фабрика коллективи иккинчи квартал якунларида ҳам область партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

М. БОБОШЕВ.

ТАРАДДУД

Сирдарё областидаги Шўрўзак пахта пункти бу йил Гулистон районидаги «Социализм» совхозидан камида 10 минг тонна «оқ олтин» қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу эса ўтган йилдагидан анча кўп. Ҳозир пунктда янги ҳосилни бетўхтов қабул қилиб олиш тараддуди кўрилмоқда. Пахта қуритиладиган 10 та майдон асфальтланди. Пахтани қоп-қанорсиз қабул қилишда қўлланиладиган 5 та транспортер, 2 та тарози сифатли ремонтдан чиқарилди.

Ю. АБДУАЛИМОВ.

ҲАМХЎРЛИК

Ўрта Осиё темир йўлининг пўлат изларигаввжум шаҳарлардан, шунингдек, аҳоли кам яшайдиган пунктлардан ҳам ўтади. Узоқ станция ва разъездларда ишловчиларга яхши маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳақида ҳамхўрлик қилинмоқда. Яқинда 120 та вагон-дўкон, универмаг-поезд узоқ станциялар, разъездлар ва йўл околоткаларига чиқарилди. Когон, Фарғона, Тошкент бўлинмаларининг марказдан узоқ жойларидаги станцияларнинг темир йўлчилари ўзлари учун зарур бўлган кўпгина маданий-маиший моллар — телевизорлар, радиоприёмниклар, кир ювиш машиналари, мебеллар, кийим-кечак ва бошқа хил рўзғор буюмлари сотиб олдилар.

Темир йўлга қарашли «Ўзгариш» совхози коллективи магистралчиларга 250 тоннадан ортиқ сабзавот ва мева-чева жўнатди. Вагон-клублар Фарғона бўлинмасига қарашли кўпгина станцияларда кинофильмлар намойиш қилдилар. Фурқат, Файзиобод, Яйпан ва бошқа станцияларнинг темир йўлчилари пўлат магистралларимизда техника тараққиёти тўғрисида қизиқарли лекция ва суҳбатлар тингладилар.

Н. КРАВЧЕНКО.

ИМТИҲОНЛАР ДАВОМ ЭТЯПТИ

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Шевченко номидаги Қорақалпоғистон Давлат педагогика институтини ҳар йили 250 га яқин ёш мутахассис тугатади. Ўтган ўқув йилида институтни муваффақиятли тугатган 248 студентнинг катта группаси ишлаш учун қишлоқ ва овулларга жўнаб кетди.

Ўқув юртида янги ўқув йилига ҳам катта тайёргарлик кўрилди. Қабул комиссиясига ҳар йилдагидан кўп—1.260 дан зиёд ариза тушди. Шундан 1.030 таси қишлоқ ёшларининг. Бу йил институтга 452 студент қабул қилиниши керак. Қабул комиссиясининг раиси, институтнинг ректори Ўтоқ К. Ризаев билан суҳбатда бўлдик.

— Кириш имтиҳонларини эҳтиёт уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор беряпмиз, — деди у. Республиканинг Тўрткўл, Беруний, Амударё районларида чет тили, рус тили ўқитувчилари етишмаслигини эътиборга олиб, институтга ана шу районлардаги ёшлардан кўпроқ қабул қилишни мўлжаллаяпмиз. Институтнинг ҳамма факультетларида ҳам кириш имтиҳонлари давом этяпти. Кўплаб ўқувчилар дастлабки имтиҳонларни аъло баҳоларга топширдилар.

ГУЛБУЛОҚ

Кенг пахтазорлар ва галла анғорларини босиб ўтиб, бир неча адир ошдик. Обод қишлоққа кириб бордик. Худди шаҳардагидек бир-биридан чиройли текис, тўғри кўчалар. Асфальт кўчаларнинг ҳар икки томонида янги типда қурилган уйлар, ҳар ер-ҳар ерда водопровод колонкалари ўрнатилган. Кўчалар қанотидаги ариқчаларда зилол сувлар шарқираб оқиб турибди.

— Водопровод суви, — деди совхоз директори Мамаражаб Очилов, — Гулбулоқдан оқиб келяпти. Чашма суви эмасми, ёзда совуқ, қишда иссиқ бўлади.

— Сув минораси қаерда?

Директор кулди. Сув посёлкадан 20 метр баландликдан, катта теалинда оқиб келаётганлигини, минораннинг кераги йўқлигини айтди.

— Демак, водопровод жуда арзонга тушибди-да?

— Ҳа, шундай бўлди. Водопровод йўлларини ўз кучимиз билан, жамоатчилик асосида қазидик. Фақат қувурларни сотиб олишга тўғри келди.

Тоғлар орасидаги бу обод қишлоқнинг тарихи жуда қисқа. 1960 йилда бу ер ўнқир-чўнқир, пастбаландликлардан иборат эди. Иншоотагина кўримсиз уй бор эди, холос. Гулбулоқ чашма суви келтирилгач, чўлда уй-жой қурилиши авж олиб кетди. Пастбаландликлар текисланди. Аввал бир неча жамоат биноларн қурилиб, совхоз маркази шу жойга кўчирилди. Тез орада кўп қишлиқ клуб, совхоз идораси учун катта бино қуриб битказилди. Ишчилар учун ошхона, магазинлар очилди. Қатор-қатор биноларқад кўтарди. Медицина пункти ва кўп ўринли касалхона ташкил этилди.

Совхоз посёлкаси тўла электрлаштирилган. Ҳаммом, озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қиладиган 9 та магазин, ошхона, новвойхона ишлаб турибди. Сартарошхона, кийимбош устахоналари ва бошқа маданий-маиший муассасалар меҳнаткашлар хизматида. Клубда ҳар куни оммабоп кинофильмлар намойиш қилинаяпти. Турли темаларда лекция ва докладлар ўтказилмоқда.

Мактаб-маориф масаласига, айниқса, катта аҳамият берила бошланди. Мавжуд бошланғич мактаб саккиз йилликка айлантирилди. 1964 — 1965 ўқув йилида эса икки қаватли типовой ўрта мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактабда ҳамма фанлар бўйича кабинетлар, кутубхона, спорт зали, намунали таълим устахонаси, бир йўла 520 бола ўқийдиган 18 та синфхона мавжуд. Машғулотларни бир сменада олиб бориш учун барча шароитлар яратилган. Мактаб маъмурияти шу кунларда янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Яна шу нарса кувончлиги, совхоз посёлкаси ва ҳамма бўлимлардаги хонадонларнинг барчаси радиолаштирилган.

— Посёлкамиз, — деди ўрта мактаб директори Ўртоқ Қаҳҳорбой Шодменов, — кунданкунга йилдан-йилга тобора обод ва кўркам бўлиб бораяпти. Мактабимиз қошида мевали боғ барпо қиляпмиз. Яна икки-уч йилдан кейин ҳосил бера бошлайди. Ўқитувчиларимиз барча қулайликларга эга бўлган квартираларда яшамоқдалар.

Йирик давлат хўжалиги — «Гулбулоқ» совхозининг коллективи, 2792 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқда. Яқинда бу ерда бўлган Тожикистон пахтакорларининг вакиллари ҳам совхоз ишчиларининг меҳнатига юксак баҳо бердилар.

Л. ЭРГАШЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
Самарқанд области.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЧИРЧИҚ «ЧИЛОНЗОР»И

Чирчиқ шаҳрининг шимолий-ғарб томонида қад кўтарган Юбилейная поселкаси кун сайин обод бўлмоқда. Республикамизнинг 40 йиллиги арафасида бунёдга келган бу поселкада умумий ҳажми 4037 квадрат метр бўлган уй-жой биноларн, 3 та магазин ва дорихона бор. Шу кунларда бу ерда шаҳардаги 160-қурилиш трестининг бинокорлари 965 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб, 300 ўринли болалар боғчаси, ёзлик кинотеатр биносини жадал суръатлар билан қураётирлар.

Юбилейная поселкасига борадиган йўлларга асфальт ётқизилди. Поселка билан шаҳар маркази ўртасида автобус қатнай бошлади.

М. МИРАЗИМОВ.

Косон янгиликлари

«ҚОРА ОЛТИН» ҚАЙНАБ ЧИҚДИ

Нефть-газ қидирувчилари Муборакдан яна янги нефть қудуғи топдилар. Бу «қора олтина Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига жўнатилаётир.

ШИФОБАХШ СУВЛАР

Муборак посёлкасининг ғарби-жанубида, «Қорақум» заводи 2-фермасининг марказида, «Большевик» совхозининг Хўжақудуқ қишлоғида ер остидан сув фонтанлари отилиб чиқди. Сувнинг ҳарорати 60 градус.

О. МУМИНОВ.

ПОЙТАХТИМИЗДА

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР

«Ташсельмаш» заводи коллективи бу йил пахтакорларга 8.000 та пахта териш машинаси тайёрлаб беради. Шу кеча-кундузда «зангори кема»лардан 4.350 таси тайёр бўлди.

Завод коллективи август ойида 25 та 4 қаторли «14 ХВ-2.4» марвали пахта териш машинаси ишлаб чиқаради.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Пойтахтимизнинг Високовольтный массивида 4 қурилиш трестига қарашли 6, 18-қурилиш бошқармаларининг бинокорлари ўтган йили 45.000 квадрат-метр уй-жой биноларн қурган эдилар. Бинокорлар яқинда — 35.262 квадрат метр уй-жой биносини фойдаланишга топширдилар. 18-қурилиш бошқармаси яна никита 48 квадрат метрли, 6- қурилиш бошқармаси битта 48 квартирали бинони фойдаланишга топширади.

Хатлардан сатрлар

НАМАНГАН. Янгиқўрғон район, Уйчи матлубот жамияти хузурида савдо ходимлари тайёрлаш олти ойлик курси очилди.

К. Раҳимов.

АНДИЖОН. Шаҳардаги Навоий номли маданият ва истироҳат боғида «Очиқ экран» кечаси ўтказилди.

А. Тўланов.

СИРДАРЁ. Янгиер шаҳрида 2 қаватли маиший хизмат комбинати ишга туширилди.

Ю. Абдуллаев, Н. Боеев.

ФАРҒОНА. Киров номли совхозда 12 та дала шийпони қурилди.

А. Тошпўлатов.

КЕРИЛГАННИНГ УЙИГА БОР...

Раис эрталаб кабинетга кирди-ю, столга ўрнатилган кнопкани босди. Эшик очилиб, рўпарада қоровул пайдо бўлди.

— Кўк чой...

Қоровул «хўп, бўлади» деб орқасига бурилмоқчи эди раис уни тўхтатди.

— Мени ким йўқлади?

—Даврдоқе, Бухородан қўнғироқ қилишганди. Комиссия келармиш.

— Келса келавермайдими, етти ой тер тўкиб, ишни дўндириб қўйганмиз, кўриб кетишади.

— Тўғри айтасиз.

Ромитан районидаги Свердлов номли колхоз раиси Тош Ҳотамов кейинги пайтда худди ана шундай кайфиятда юрибди. Мазкур хўжалик пахтакорлари ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажаролмай, давлат олдида қарздор бўлиб қолган эдилар. Хўш, бу йил ана шу доғни ювиш учун нималар қилиняпти?

Рўй-рост айтиш керакки, колхозда ғўза парвариши ниҳоятда бўшаштириб юборилган. Сувдан фойдаланишда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилаётир. Колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Шунга қарамасдан, колхоз раҳбарлари мактанишгани-мақтанишган. Яқинда районнинг партия комитетининг активида раис ҳеч кимга сўз бермай, роса мақтанди:

— Пахтадан мўл ҳосил олмоқчи бўлганлар бизнинг колхозимизга келишиб, ишларимиз билан танишишсин...

Раис қизишиб кетиб, Ҳожи Ашуров, Истам Ниёзов, Абдулла Кўкламов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ишлар жудаям яхши бораётганлигини, ҳар бир агрегатдан ғоят унумли фойдаланилаётганини, ҳосили машинада териладиган майдонлардаги ғўзалар алоҳида парвариш қилинаётганлигини қайта-қайта таъкидлади.

«Мактанганнинг тўйига, керилганнинг уйига бор» деганларидек, раис таърифлаган бригада далаларида бўлдик. Пахтазорда одам кўринмейди. Яхлит карта четида иккита «ДТ-28» чопиқ тракторн бекор турибди.

— Ҳалитдан тракторлар «қанатариб» қўйилибди-ку? — деди ҳамрохимиз машинага ишора қилиб.

— Нима, трактор сира тинмасин, дейилганми? Бирор жойи бузилгандир...

Раис атрофга алангланди. Ҳеч кимни топмагач, қўлини қарнай қилиб тракторчини чақирди.

— Тракторчилар уйига кетган эди, — деди ниҳоят бригадир И. Ниёзов.

Маълум бўлишича, механизаторларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароит яратиб берилмаган. Далада иссиқ овқат ташкил қилинмаган. Натижада, Р. Давлатов, К. Жалилов каби механизаторлар даладаги ишни ташлаб, уйларига кетишга мажбур бўлганлар.

Бошқа қартага ўтдик. Қаршимизда шолипояга ўхшаш манзара пайдо бўлди. Картада сув қўллаб, ғўзаларни қулоғигача кўмиб ташлабди. Ўнг томондаги қўшни пайкалда бўлса, суғсизликдан сарғайган ғўзалар ачитагина шона, гул ва қўсакларини тўкиб юборган. Далада сувчилар йўқлигини сезган бригадир гап бошлади.

— Сувчиларимиз кечаси ишлаб, кундузи дам олишади.

— Ҳа, ҳа, тунги суғоришга кўп эътибор бериляпти, — қўшимча қилди раис Ҳотамов.

Аслида воқеа бундай. Раисдан тортиб бригада бошлиқларигача етарли ҳосилни тўплаб олдик, деган зарарли кайфиятда юришибди. Натижада дала ишлари бутунлай тўхтаб қолган. Шу кунларда атиги 700-800 киши дала ишларида қатнашаётгани фикримизнинг далилидир. Мавжуд чопиқ тракторларидан ҳар куни 8-10 таси бекор турib қолмоқда.

Яқинда область партия комитетининг махсус рейд бригадаси Ромитан районидаги Свердлов номли, «Бухоро», «Коммунизм» колхозларида ғўза парвариши тўхтатиб қўйилганини аниқлаб, дала ишлари суръатини ошириш юзасидан конкрет кўргазма берган эди. Афсуски, Свердлов номли колхоз раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олмаяптилар. Хўжаликда теримга ҳам тайёргарлик кўрилмаётир, машина теримига ажратилган майдонлар алоҳида парвариш қилинмаётир. Терим агрегатлари ремонтига ҳамон киришилмаган. Тўртта марказий ва бир нечта кичик хирмонлар ремонт қилиниши, учта кўприк қайта қурилиши, ўнлаб тележка ва бошқа транспорт воситалари ремонт қилиниши лозим бўлгани ҳолда бу ишлар ҳам ўлда-жўлда ётибди.

Ўзибўларчилик, ўринсиз мағрурланиш ишга путур етказмоқда, йиғимтеримга тайёргарлик ишларини барбод этмоқда.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МИНГ ДАРДГА ДАВО

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Асалнинг шифобахш хусусиятга эга эканлиги жуда қадим замонлардан маълум. Унинг шифобахшлиги ҳақида бундан 3 500 йиллар бурун Георг Эберс ҳам ёзган эди. Эберснинг «Киши танасининг барча қисмлари учун дори-дармонлар тайёрлаш китоби»да айтилишича, асал Мисрда яраларни, ошқозон, буйрак, кўз касалликларини ва бошқа дардларни даволашда қўлланган.

Турли касалликларни даволашда асалнинг фойдали модда эканлиги Клавдий Гален ва шарқнинг атоқли олими, мутафаккир Абу Али ибн Сино асарларида ҳам кўрсатиб ўтилган. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида, асал кишига қувват бағишлайди, ошқозонда ҳазм процессини кучайтиради, иштаҳани очади, деган фикрлар ёзилган.

Асал ўзининг ранги, ҳиди ва мазаси жиҳатидан турли хил бўлади. Чунончи, тиниқ рангли асал, ўрта рангли ва қоramтир рангли асал. Асал турлари уларнинг қандай ўсимликдан йиғилганлигига ва фаслга боғлиқдир. Масалан, акация, беда, липа дарахти гулидан йиғилган асал ниҳоятда тиниқ бўлади. Аксинча, каноп ўсимлигидан йиғилган асал эса сариғ ва лойқа бўлиб, унинг мазаси бир оз ёқимсиздир. Гречиха ўсимлигидан тўпланган асал эса қоramтир-сариғиш рангда бўлиб, ўзига хос қўлансароч ҳид ва мазага эга.

Асаларилар Узбекистон шароитида асални беда, қовун-тарвуз, пахта, акация, шафтоли, олма гулларидан, қир ерларда эса янтоқ, оқ қурай ўсимлигидан, каноподан ва тоғларда ўсадиган ёввойи ўсимликлардан йиғадилар. Ўзбекистонда нектарли ўсимликларнинг ниҳоятда кўплиги натижасида аралаш хилдаги асал кўпроқ олинади.

Санаб ўтилган ўсимликлар ичида каноподан олинадиган асал сифат жиҳатидан паст туради. Агар одатдаги асал ўрта ҳисобда 70-80 процент глюкоза ва левулозаларга эга бўлса, каноп асалн 70 процент азотли моддалар ва декстриндан иборатдир.

Асалнинг кимёвий таркиби ниҳоятда мураккаб. Унда етмишдан ортиқ турдаги, ҳаёт учун зарур моддалар бор. Асалнинг асосий қисми карбон сувлар: глюкоза ва левулозалардан иборат. Шунинг учун ҳам у организмда жуда тез ҳазм бўлади.

Асалнинг шифобахш модда бўлишининг бирдан-бир сабаби — таркибида ферментларнинг кўплигидир. Чунончи, крахмал ва декстриннни қандга айлантирувчи диастаза, қандни глюкоза ва фруктозага ўтказувчи инвертаза, перикиса бирикмаларни парчаловчи каталаза каби бир қанча ферментлар мавжуддир. Булардан ташқари, асал таркибида кальций, натрий, калий, магний, темир, хлор, фосфор, олтингугурт, иод бирикмалари, мис, хром, никель, қўрғошин, титан, қалай, рух каби микроэлементлардан тортиб то радиоактив моддалар ҳам учрайди.

Органик кислоталардан олма кислотаси, сут кислотаси, лимон кислотаси; витаминлардан В2, В6, В1, В3, В5, Вс, Е, К, С ва каротинлар; биостимулятор (организмда ҳаётий процессларни кучайтирувчи моддалар) асал таркибида борлиги аниқланган.

Асал жуда қувватли бўлиб, унинг 1 килограммида 3150 калория бор.

Асал яна турли фармакологик таъсирларга эга. У микробларни ўлдиради. 10 процент асал эритмасини 5 минутдан ингаляция қилса, нафас йўлларидаги касалликларни тузатади. Бунда асал, бир томондан, турли бактерияларни ўлдирса, иккинчидан, умумий қувватлантирувчи модда сифатида таъсир этади.

Бир ош қошиғида олинган асални бир стакан иссиқ сутга ёки бир дона лимондан сиқиб туширилган шарбатни 100 грамм асалга аралаштириб истеъмол қилинса, шамоллаган кишиларга яхши даво бўлади.

Сил касалига йўлиққан беморларга кунига 100-150 граммдан асал едириш керак, бу уларни бақувватлаштиради, семиртиради, гемоглабин миқдорини кўпайтиради.

Юрак касалига дучор бўлган кишилар бир-икки ой давомида ўрта ҳисоб билан 70 граммдан асал еса, қон состави яхшиланади, юрак ва қон томирлар фаолияти нормаллашади.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларида, гастрит касаллигида, ошқозон ширасида хлорид кислотаси кўпайиб ёки камайиб кетган ҳолларда асални икки соат овқатдан олдин ёки уч соат кейин истеъмол қилиш керак. Агар асални илиқ сувда эритиб ичилса, ошқозон ширасида хлорид кислотасининг миқдори камаяди. Агар асал совуқ эритма ҳолида ичилса, аксинча, хлорид кислота миқдори ортади.

Асални жигари касалланган кишилар истеъмол қилса, жигарда гликоген миқдорининг кўпайишига — яъни жигарнинг фильтрлаш хусусиятини оширишга олиб келади. Натижада организмнинг юқумли касалликларга нисбатан турғунлиги ошади. Киши сариғ касаллигига мубтало бўлганда ҳам унга асални едириш яхши фойда беради.

Юқори сифатли асал буйрак касалликларига ҳам яхши даводир. Айниқса, асалда оқсил ва туз моддаларининг камлиги буйрак касалликларини даволашда қулайлик туғдиради. Буйрак касалликларини даволаш учун асални ҳаматан мевасидан тайёрланган чой (15 грамм ҳаматан 0,5 литр сувда дамланади) билан қўшиб ичиш тавсия этилади. Буйракда қум ҳосил бўлган тақдирда лимон шарбати билан асал аралашмаси ишлатилади.

Ўйқудан олдин асал эритилган бир стакан сув ичилса, нерв касалликларини даволайди. Беморда бош оғриғи, тез чарчашлик, жаҳл чиқиш ҳолатлари йўқолади, киши тетиклашади.

Кўз касалликларидан скрофулёз, кератит ва бошқаларни даволашда эквалинт дарахтининг барғидан ва асалдан тайёрланган дори ёки тоза асал қўлланилади. Бунда албатта ундан олинган янги тоза асалдан фойдаланиш лозим.

Асалнинг тухум сариғи каби бошқа моддалар билан тайёрланган аралашмалари косметика мақсадлари учун қўлланганда терида ажин ҳосил бўлишини йўқотади, тери кўринишини яхшилайди.

Асални истеъмол қилишда қуйидагиларга риоя қилиш керак. Бир кунда бемор томонидан қабул қилинган асал миқдори 100 граммдан кам ва 200 граммдан кўп бўлмаслиги керак. Эрталаб 30-60 грамм, кундузи 40-80 грамм, кечқурун эса 30-60 грамм асални илиқ сувда эритилган ҳолда ёки соф ҳолда ейиш тавсия этилади. Ана шу тартибда асални икки ой давомида истеъмол қилиш лозим. Асални болаларга берганда кунлик дозани 30 грамидан оширмаслик керак.

Л. ИКРОМОВ,
фармацевтика фанлари номзоди.

Радио

7 АВГУСТ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Эрталабки концерт, 8.25 — Концерт, 9.30 — Симфоник рақслар, 9.45 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тож.), 10.30 — Халқ қўшиқлари, 11.10 — Радиопочта, 11.25 — Ўзбек балетларидан парчалар, 12.15 — Спорт эшиттириши (рус.), 12.50 — Иркутск радиоси эшиттириши, 13.40 Концерт (рус.), 16.15 — Ешлар учун концерт, 17.20 — Уйғур куйлари, 18.10 — Қўшиқлар (рус.), 18.30 — Замонавий қўшиқлар, 19.20 — Озарбайжон куйлари, 20.00 — Ешлар учун, 20.15 — Эстон эстрадасида янги куйлар (рус.) 21.20 — Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун концерт, 22.10 — Концерт, 23.10 — «Бахт қўшиқлари».

Телевидение

7 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Майсон, Серенгетиялик юлдузлар** (болалар учун), 18.25 — **Телевизион янгиликлар**, 18.40 — **Чет эл кинохроникаси ва Чол билан кампир бўлган экан номли бадиий фильмнинг 1-қисми**, 20.00 — **Голубой Огонёк.**

21.10 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.15 — **Сатира ва юмор**, 21.50 — **Телевизион янгиликлар**, 22.05 — **Концерт** (ўзбек куйларидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

Театр

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/VIII да **Трубадур**, 8/VIII да кундуз **Севилья сартароши**, кечқурун **Масхарабозлар ва Концерт бўлими.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Она ва ўгай она — «Мир», СОБИР РАХИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — «ДРУЖБА» (2-зала), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 5 яримгача).

Никоҳсиз туғилганлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (1-зала), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кундуз соат 5 дан), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Севги ва кўз ёши — ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

1002-кеча — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 5 яримдан).

Нильснинг ёввойи гозлар билан ажойиб саёҳати (эрталаб соат 10 да), **Онлахома** (кундуз ва кечқурун) — «ЧАЙКА».

Скарамуш (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3 ва 5 яримда), **Бепоён юртим менинг** (панорамали фильм). (кеч 7 ярим ва 9 яримда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Улуғ Ватан уруши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 4 да).

Италиялик Варшавада — «ИСКРА» (кундуз соат 5 гача).

Балет юлдузи — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Соф иўнгил (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кеч соат 8-20 минутда).

Шчорс — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да бошланади)

Италиялик Варшавада — «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли, «РАКЕТА».

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — «ХИВА», НАВОИЙ номли.

Муюлишдаги хона — «САЛЮТ».

Тинч кунлар — «1 МАЙ».

Ҳинд малинаси шарпаси — «УДАРНИК».

Улуғ Ватан уруши — ТЕЛЬМАН номли.

Номаълум гов — «ПАХТАКОР».

Севги ва кўз ёши — ПУШКИН номли.

Георгий Саакадзе — «ОҚТЕПА».

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

электр учун счёт ёзиш ўзларига топширилган абонентларга таклиф қиладини,

ФОЙДАЛАНИЛГАН ЭЛЕКТР УЧУН

ҳар ойнинг 1-кунидан 11-кунигача

СЧЕТ ЕЗИБ,

тегишли пули давлат банкининг кирим омонат кассаларига тўласинлар.

Ўтган вақт учун

ҚАРЗЛАРИ

бўлган абонентлар

ДАРҲОЛ ТЎЛАШЛАРИ ЛОЗИМ.

Счётлар ўз вақтида тўланмаса, электр оғоқ қилмасдан узиб қўйилади.



ОСМОННИ ЗАБТ ЭТУВЧИЛАР

ВОЛГА бўйидаги хушманзара жойлардан бирида Качи олий ҳарбий авиация билим юрти жойлашган. Россияда биринчи бўлиб авиация мактаби 1910 йили Севастополь яқинидаги Качи дарёси бўйида ташкил қилинган эди. Шу боисдан ҳам ҳозирги пайтда Волгограддаги бу билим юрти Качи номи билан юритилади.

Мазкур билим юртида тарбияланган учувчилар ҳавода учиш тарихига, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши тарихига сўнмас саҳифалар киритдилар. Улар орасидан 230 Совет Иттифоқи Қаҳрамони жумладан Полина Осипенко, Георгий Байдуков, Александр Беляев, Александр Покришкин, Борис Сафонов, Амет Хон-Султон, космонавт Валерий Быковскийлар етишиб чиққанлар.

Юқоридаги суратда ҳавода учиш пайти тасвирланган. Пастда осмонни забт этаётган, баландлик ва узоқ масофаларни ўз номига бўйсундираётган азамат курсантларни кўриб турибсиз.

М. Редькин фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

КАСАБА СОЮЗ СПОРТЧИЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ VIII СПАРТАКИАДАСИ

ХУШХАБАР КЕТИДАН ХУШХАБАР

Ўзбекистон спорт жамиятлари ва ташкилотлари Союзи Советига Москвадан ҳар куни хушхабар келиб турибди.

— Яна бир спортчимиз спорт мастери нормативини бажарибди, самбочиларимизга балли, олтитаси финалда, — дейишди бизга бу ерда энг сўнгги хушхабарни билдиришар экан. Шу кунларда республикамиз спорт ишқибозларининг диққат-эътибори Ватанимиз пойтахти Москвага қаратилган. Бу ерда энг яхши спорт базалари, ҳавзаларда, стадионларда касаба союз спортчиларининг Бутуниттифоқ VIII спартакиадаси финал мусобақалари дазм этяпти. Спартакиада байроғи гарчанд бугун кўтариладиган бўлсада спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақалар якунланди, дастлабки чемпионлар маълум бўлди.

Тошкентлик спорт мастери Светлана Бабинина ва Наташа Устиновалар бу сафар ҳам бўш келишмади. Улар биринчи бўлиб Спартакиада чемпиони бўлдилар ва командамизга қимматли очколар олиб беришди.

100 метрга эркин усулда сузишда Наташа Устинова 1 минут 04,3 секунд вақт билан маррага биринчи бўлиб келди ва Спартакиада чемпиони бўлди. Наташа шу йил май ойида Тошкентда ўтказилган сузувчиларнинг халқаро мусобақасида москвалик Т. Сосновага ютқазиб қўйган эди. Бу сафар ҳамшаҳримиз ана шу мағлубият ҳиссасини чиқарди. С. Бабанина эса 100 метрга брасс усулида сузишда 1 минут 19,7 секунд натижа билан голиб келди. Бу кўрсаткич халқаро спорт мастери нормативидан 0,2 секунд пастдир. Ҳурмат пьедсталига С. Бабанина билан Е. Микало ҳам кўтарилди. У РСФСР вакили Р. Дикаревадан кейин учинчи ўринни олди.

Тошкентлик сузувчи қизлар бундан икки йил муқаддам СССР Халқлари III спартакиадасида 4х100 метрли эстафетага сузишда барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медални қўлга киритганлари ҳаммага маълум. Куни-кеча сузувчиларимиз ана шу галаба тасодифан қўлга киритилмаганлигини исботлашди. С. Бабанина бетоб бўлиб, сузишда қатнаша олмаган бўлсада, қизларимиз биринчиликни ҳеч қайси командага беришмади. Улар кўрсатган натижа эса (4 минут 29,5 секунд) Ўзбекистоннинг янги рекорди ҳисобланади.

Акробатларнинг Спартакиада программасидаги мусобақаларига ҳам якун ясалди. Ўзбекистон акробатлари умумкоманда ҳисобида саккизинчи ўринга чиқишди. Спорт мастерлари З. Кричевская ва В. Моисеевлар жуфт машқ қилишда эса фахрли тўртинчи ўринни эгаллашди.

Самбочиларимиз кутилгандан ҳам яхши натижаларни қўлга киритдилар. Саккиз вазн категориясида қатнашган самбочиларимизнинг олтитаси финалга чиқди. Бухоролик Ф. Халилов ва самарқандлик А. Валиевлар эса СССР спорт мастери нормативини бажардилар.

Спартакиада программасидаги 28 турнинг ўнтасига якун ясалди. Ўн тур бўйича терма командаларнинг эгаллаб турган ўринлари қуйидагича: РСФСР — 167 очко, Москва — 165,5, Украина — 157, Ленинград — 142,5, Грузия — 131, Қозоғистон — 114, Ўзбекистон — 109,5, Белоруссия — 104,5, Литва — 103, Латвия — 99,5, Озарбайжон — 86, Эстония — 85,5, Молдавия — 70, Қирғизистон — 58,5, Арманистон — 49, Тожикистон — 34,5, Туркманистон — 21.

Касаба союз спортчиларининг Спартакиадасига физкультурачилар куни — 14 августда якун ясалади.

ПАРТИЗАНЛАР ДАДИЛ ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДАЛАР

СУДАН ЖАНУБИДА КЕСКИН ВАЗИЯТ

ГРЕЦИЯДА СИЁСИЙ ТАНГЛИК

ДЕҲҚОНЛАРДАН ЎЧ ОЛИНМОҚДА

ДАДИЛ ҲУЖУМ

НЬЮ-ИОРК, 5 август. (ТАСС). Жанубий Вьетнам партизанлари Американинг Да-Нангдаги ҳарбий базасига яна бир дадил ҳужум қилдилар. Вьетнам ватанпарварлари партизанларнинг қўшилмаларига ва Вьетнам Демократик Республикаси территориясига ҳужум қилаётган Америка реактив бомбардимончи самолётларини ҳамда бошқа ҳарбий эҳтиёжларни ёнилғи билан таъминлаб турувчи энг йирик омборлардан бирини портлатиб юборишдилар.

Омборга ҳужум қилган партизанларнинг кичик бир группаси, дейилади чет эл информация агентликларининг хабарларида, соқчиларни яшин тезлигида ва овозини чиқармасдан бир ёқлик қилди, омборни қўриқлаб турган гарнизонни қимир эта олмайдиган қилди ва ҳатто ўт ўчиришда ишлатиладиган ҳамма воситаларни ишдан чиқаришга улгурди.

Ҳаммаси бўлиб еттита ёнилғи резервуари яксон қилинди.

Маълумки, ана шу Да-Нангда партизанлар бир вақтлар аэродромни ишдан чиқарган ва ундаги самолётларни яксон қилиб ташлаган эдилар, шундан сўнг Да-Нангни «мустаҳкам муҳофаза қилиш» учун бу ерга Америка денгиз пиёда қўшинларининг махсус бўлинмаси келтирилган эди.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ИСРОИЛ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XV СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

ТЕЛЬ-АВИВ, 5 август. (ТАСС). Кеча кечқурун Тель-Авивда Исроил Коммунистик партиясининг XV съезди очилди. Съездда ҳал қилувчи ва маслаҳат овозига эга бўлган 250 делегат қатнашмоқда.

Съезд кун тартибини маъқуллади.

Тель-Авив область партия комитетининг секретари Ш. Литвакнинг кириш нутқидан кейин Исроил Коммунистик партиясининг бош секретари С. Микунис ҳисобот доклади қилди.

НОСИР БИЛАН СЕКУ ТУРЕ ЎРТАСИДА МУЗОКАРАЛАР

ҚОҲИРА, 5 август. (ТАСС). Президент Жамол Абдил Носир билан Гвинея Республикасининг президенти Секу Туре ўртасида бу ерда бўлиб ўтган музокаралар вақтида Вьетнам, Конго ва Жанубий Африкадаги аҳвол, араб мамлакатларидаги аҳвол муҳокама қилинди. Икки президент Жазоирда Африка ва Осиё мамлакатларининг конференциясини ҳамда Аккрада юқори доирада Африка мамлакатлари конференциясини чақириш билан боғлиқ бўлган масалалар устида фикрлашдилар. Матбуотнинг хабар беришича, музокаралар вақтида Бирлашган Араб Республикаси билан Гвинея ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш чоралари ҳам қараб чиқилган.

РЕАКЦИЯ АВЖ ОЛМОҚДА

ГАВАНА, 5 август. (ТАСС). «Симон Боливар» фронти партизан отрядларидан бирининг командири майор Архелиа Лайя Венесуэлада деҳқонлардан қандай ўч олинаётганлигини тасвирлаб, бундай деди: Америка «кенгашчилари» таълим берган уч мингдан кўпроқ полиция ва солдат шу йил февраль ойидан бошлаб Венесуэла деҳқонларидан қонли ўч олмоқда. Уларга қарши ўзбошимчалик қилмоқдалар, одамларни таҳқирлаб азоб бермоқдалар, ўлдирмоқдалар, хотин-қизларни зўрламоқдалар.

Венесуэла пойтахтида ва бошқа кўпгина шаҳарларда полиция ўзбошимчалиги авж олиб кетди. Республика президенти Раул Леони яқинда буйруқ чиқариб, «коммунистларни» қамоққа олишни армия ва полицияга юклаганидан кейин мамлакатда таъқиботлар айниқса кучайиб кетди.

Пренса Латина агентлиги мухбирининг Каракасдан берган хабарида айтилишича, фақат Маракайбо шаҳрининг ўзидагина 20 дан кўпроқ киши қамоққа олинган. Мамлакатда жамоат ва сиёсий арбоблардан ўнлаб киши қамаб қўйилди. Венесуэла маъмурларининг бу репрессия ҳаракатларига қарши мамлакатда кескин норозилик билдирилмоқда.

«Миллий халқ авангарди» партияси баёнот эълон қилиб, ҳафталик «Ке Паса эн Венесуэла» газетаси директори Орландо Араухонинг қонунга хилоф равишда қамоққа олинганлигига қарши қатъий норозилик билдирди.

Пойтахтдаги маҳаллий университет комитети ҳукуматга баёнот юбориб, Венесуэла Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси Арриета дафн қилинаётган вақтда полиция унинг жасадини ўғирлаб кетганлигини ҳамда марҳумнинг қариндошлари ва ўртоқларидан кўп кишиларни қамоққа олганлигини фош қилиб ташлади. Университет комитети Леони ҳукумати ўтказаётган репрессия сиёсатини танқид қилган кишиларни полиция қамоққа олганлигини айтиб, уларни қамоқдан бўшатишни ҳам талаб қилди.

Партизанлар реакция авж олганлигига жавобан, ўз фаолиятларини кучайтирдилар. «Симон» боливар фронтининг отрядларидан бири Лара штатидаги ҳарбий ҳатрулни ўққа тутди. Бошланиб кетган жанг натижасида солдатлардан бири ўлдирилди, бир нечтаси жароҳатлантирилди. Яна бир отряд Текес районидаги полиция участкасига ҳужум қилди.

Яна бир хабарда айтилишича, Барселона шаҳрига яқин жойда полиция Американинг «Мене Гранде ойл» ва «Мобил ойл» компанияларига қарашли нефть қувурлари остидан бир неча бомба топиб олди. Ўтган ҳафта партизанлар шу компанияларнинг корхоналарига ўт қўйган эдилар.

«САРОЙ ҲУКУМАТИ»НИНГ БОШ МИНИСТРИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

ПАРИЖ, 5 август. (ТАСС). Ҳукумат бош министри Афанасиадис-Новасга 5 августга ўтар кечаси парламентда овозга қўйиш вақтида ишончсизлик билдирилган эди. У бугун истеъфо берганлиги тўғрисида король Константинга ариза топширди. Франс пресс агентлигининг мухбири Афинадан ана шуни хабар қилди.

Афанасиадис-Новас король билан суҳбати тугагандан кейин бундай деди: «Янги ҳукумат тузилганга қадар ўз вазифамни бажариб туришни король мендан илтимос қилди».

Мухбирнинг хабарида айтилишича, Афина полициясининг жанговар тайёр ҳолга келтирилган. Король саройи ва парламент биноси атрофида сончилар кучайтирилган. Бундан ташқари сиёсий танглик давом этган бутун давр ва ҳаракатлар ҳар қандай намойишлар ўтказиш тақиқланган.

Ўзбекистон альпинистлари Австрияга жўнаб кетдилар

Энг кучли альпинистлардан ўн беш кишидан иборат Ўзбекистон спорт делегацияси 5 августда Австрияга жўнаб кетди.

Республика альпинизм федерациясида ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни хабар қилдилар: Совет ва австриялик спортчилар ўртасидаги дўстлик алоқалари Кавказда бошланган эди. Улар бу ерда альпинистларнинг «Безенги» лагерида бўлган эдилар. Делегация составида Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган тренер, спорт мастери, яқинда Коммунистик академия чўққисига (Помир) чиққан альпинистларнинг раҳбари В. Элчибеков, ана шу чўққига биринчи бўлиб чиқувчилардан А. Пьянков, Х. Яхин, Г. Курковский, А. Ляпин, республика альпинизм спорти федерациясининг раиси П. Карпов ва бошқа спортчилар бор.

Бизнинг спортчиларимиз австриялик дўстлар билан биргаликда Австриядаги бир неча тоғ чўққиларига чиқадилар.

(ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

СУДАННИНГ ЖАНУБИДАГИ АҲВОЛ

ЛОНДОН, 5 август. (ТАСС). Судан ҳукумати, қуролларингизни топширингиз, деб мамлакат жанубидаги кўзғолончи қабилаларга таклиф қилган 15 кунлик муҳлат бугун битди. Ҳукуматнинг 20 июлдаги баёнотида ана шу муҳлат битгандан кейин ҳукумат қўшинлари кўзғолончиларни тормор келтириш учун зарур чораларни кўрадилар, дейилган эди. Жанубликлар Суданнинг асосан учта вилоятида яшовчи негр қабилалари бўлиб, уларнинг вакиллари янги маъмурий система барпо этилишини талаб қилмоқдалар ҳамда бу масалада маҳаллий автономия беришдан тортиб то тўла ажралиб чиқишга қадар ҳар хил талабларни ўртага қўймоқдалар.

Рейтер агентлиги мухбирининг Хартумдан юборган хабарида айтилишича, ҳукуматнинг амнистия бериш, топширилган қурол эвазига пул тўлаш ва ҳар бир кишининг шахсий хавфсизлигини гарантиялаш тўғрисидаги таклифига ижобий назар билан қараган одамлар жуда кам бўлган. Судан пойтахтига келаётган маълумотларга қараганда, сўнгги кунларда жанубдаги вазият кескинлашиб қолган.

Ҳукумат қўшинлари билан кўзғолончилар ўртасидаги тўқнашувлар тўхтагани йўқ. Жанубий Судандаги йирик шаҳар — Жанубдан 480 километр ғарбда, Трумба атрофида кўзғолончилар шимолликларнинг 70 чоғлик солдатини қуршаб олишган. Экватор вилоятида улар армия лагерига ҳужум қилишган. Ҳукуматнинг ҳарбий маълумотида айтилишича, ўтган 15 кун мобайнида 80 га яқин кўзғолончи ўлдирилган.

Кеча Судан ҳукуматининг фавқулодда мажлиси бўлиб, унда жанубдаги аҳвол масаласи муҳокама қилинди. Бош министр вазифасини бажарувчи Нучдалла (бош министр Маҳжуб билан Суданнинг баъзи министрлари Судандаги аҳволни тушунтириш мақсадида ҳозир шарқий Африка мамлакатлари бўйлаб сафар қилиб юрибдилар. — **Редакция эслатмаси**) вазият билан ўша жойнинг ўзида танишмоқ учун Жубага келди.

Хартум газеталарида босилган ахборотларга қараганда, деб хабар беради Рейтер агентлиги, кўшни Конгодан Судан жанубига ажнабий унсурлар суқулиб кираётганлиги тўғрисида ҳукумат қўлида маълумотлар ҳам бор. Ҳукуматга қарши қабилаларга ёрдам кўрсатаётган ана шу унсурлар орасида, айтишларича американликлар ҳам бор эмиш.

Ахборот министри Нур бир неча чет эл самолёти жанубий Судан устидан учиб ўтганлигини маълум қилди. Ҳукумат, деди у, ана шундай самолётлар бундан буён республиканинг ҳаво чегарасини бузадиган бўлса уларга қарата ўт очиш тўғрисида буйруқ берди.

Жанубдаги аҳвол кескинлашиб қолганлиги сабабли ҳамма граждан шахсларнинг жануб томонга боришлари тақиқлаб қўйилди. Жанубдаги давлат муассасалари билан ўқув юртлари ёпилди.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469; 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, маданиятлар ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 183. ИНДЕКС 64543. Р. 02231.